Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 13 ноябрь, шанба № 214—215 (21.566). Сотувда эркин нархда.

ЖАСОРАТ БИЗГА ТАҚДИР

ЎЗБЕКИСТОН—ҚОЗОҒИСТОН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ





СУРАТЛАРДА: Музокара пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ тасвири.

Президент самолёти фазога юксалиб, кескин уча бошлаган маҳал, бўлак сафарларда сезилмаган фавқулодда шиддатни ҳис этасиз. Ва беихтиёр шу пайтга қадар ҳаёлга келмаган фикрлар кўнглингиздан кеча бошлайди, яъни, Давлат нима, йигирма икки миллион нуфусга эга халқнинг тақдирига жавобгарлик нима...

Сиртдан қараганда Президентнинг хорижий мамлакатларга ташрифи расмий сафар, ҳужжатларни имзолаш ва ўша диёрнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришдангина иборатдек бўлиб туюлади. Аслида эса ҳар бир ташрифнинг замирида халқнинг ва мамлакатнинг бугуни ва эртанги куни билан чамбарчас боғлиқ йирик муаммолар ётадики, сафар шу ҳаётий эҳтиёжнинг тақозосидан келиб чиқади. Сир эмас, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг ўтган чоршанба куни Алмати шаҳридаги учрашуви, ҳукумат делегациясининг олиб борган музокаралари, икки давлат раҳбарларининг, ҳукумат бошлиқлари, экспертларнинг саъй ҳаракатлари туфайли сифат жиҳатидан янги минтақавий бозор яратишнинг кенг миқёсли дастури юзага келди. Ҳозир бу учрашув, Президентлар имзолаган ҳужжатларнинг нечоғлик муҳимлиги, икки мамлакат иқтисодиётини 2000 йилгача уйғунлаштириш дастури ва республикаларда миллий валюталарни бир вақтда жорий этиш ҳақидаги ҳужжатлар, уларнинг тарихий аҳамиятини ўзимизнинг ҳамда Қозоғистоннинг газеталари, радио ва телевидениесидан ташқари Москва ва хорижий мамлакатлар матбуоти ҳам кенг шарҳлаётир.

Қозоғистон Республикаси Президенти девонида — юзлаб чет эллик журналистлар иштирок этган матбуот конференциясида уларнинг рус тилини бузиб талаффуз этганча бераётган қизғин, илмоқли саволларини тинглаб, — бу саволларда улар мансуб бўлган миллатнинг, мамлакатнинг манфаатлари яширин эди, албатта, — Ўзбекистон ва Қозоғистон жаҳонда нуфузли ўрин тутишини, бу икки мамлакат ташлаётган қадамга, ундаги ҳар бир ўзгаришга ҳеч бир давлат бефарқ қарамаслигини ҳис этдим. Айнан шу кайфиятдаги саволлар туфайли Нурсултон Назарбоевда қуйидаги фикр туғилган шекилли: — Ўзбекистон ва Қозоғистонда миллий валюталарнинг жорий этилиши ҳеч кимнинг манфаатига путур етказмайди.

Шунда хорижлик ҳаммиллатлардан бири бундан икки йил илгари — Ўзбекистон ва Қозоғистон бирин-кетин миллий мустақиллигини эълон қилган кунлар қувончи ҳақида, шунда уларнинг уйга сиғмай тошиб кўчага чиқишгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошига бориб, узун кеча, токи мамлакат байроғи кўтарилгунига қадар севинч ёшлари ила туришгани ҳақида айтиб берган ҳикояси ёдимга тушди. Ундан кейин рўй берган иқтисодий танглик туфайли сиз билан биз унча эътибор бермаган, аммо миллат тарихига муқаррар ёзилажак ҳодисалар-чи?

Бугунги кунда Ўзбекистон 150 дан зиёд мамлакат тан олган. Олтмишдан ошиқ мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. У жаҳоннинг ўн бешта етакчи молиявий-иқтисодий ташкилотлари таркибига кирган. Унинг Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарига чиқиб, шундай масалалар ҳақида ёниб гапирдики...

«Худо бизни шу кунларга ҳам етказар экан!..» дея шукрона қилди ўша хорижий ҳаммиллат.

Қозоғистон ҳақида ҳам худди шундай қувонч билан гапириш мумкин. Бу юртнинг бойлиги ноз неъматлари бугун оламни ҳайратга солмоқда, бамисоли Ўлжас Сулаймон қозоқ олмасини таъриф этгани каби:

Бўрондай пахмайиб
ётган йигитлар,
Тўрт ҳафта тумтайиб
ётган йигитлар,
Дағал кафтларига олиб
олмани
Томоша қилгандай худди
болани,
Олма ёноғига боқиб
кўрдилар —
Дараю хиёбон, боғларни
улар!

Модомики, мамлакатимиз ни 150 дан зиёд мамлакат тан олган экан, Алматидаги учрашувдан, миллий валютани бирга жорий этишдан мақсад нима ўзи? — дейдиган кишилар ҳам топилади. Бундан биринчи мақсад, Ўзбекистон Президентининг таъбири билан айтганда, ўтиш даври халқларимиз учун машаққатсизроқ кечишини таъминлашдан иборат.

— Бунинг учун биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз, — деди Ислом Каримов.

Иккинчи мақсад: тармоқлар ва ишлаб чиқариш жабҳаларини такрорлашдан воз кечиб, интеграция, яъни яхлит иқтисодий сиёсатни такомил топтириш, ривожлантириш.

Бу борада Президентлар шундай изоҳ бериб ўтишди: айтайлик, Қозоғистонда аккуммулятор ёхуд шина ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд. Худди ана шундай яна бир заводни кўп чиқим эвазига Ўзбекистонда қуришга ҳожат бормикин? Ёхуд аксинча, Қозоғистоннинг пахтага бўлган эҳтиёжини Ўзбекистон тўла-тўкис таъминлай олади. Шундай имконият бўлгани ҳолда қардошларимиз ҳам чигит экиб, заҳмат чекиб пахта етиштиришларига ортиқча заруратборми? Ёнилғи, қазилма бойликлар ва бўлак муаммолар икки мамлакатнинг ўзаро келишуви асосида шундай ҳал этилади, шунинг асосида янги минтақавий бозор юзага келади. Ўзаро ички алоқа ҳориждан харид қилинадиган маҳсулот миқдорини камайтириш имконини туғдиради ва бу саъй ҳаракат қиймати 1994 йилда 400 миллион долларни ташкил этади. Орадан йил ўтиб бу кўрсаткич бир миллиард долларга етиши ҳеч гап эмас!..

Йўқ, бу рақамларни қайд этар эканман, на ўзимга, на бирон бир кишига, тасалли бермоқчи эмасман, асло. Бу — кўзга яққол ташланиб турган мавжуд имкониятлар, холос...

Россия раҳбариятининг олти ҳамдўстлик мамлакатига молия соҳасида қилган субутсизлиги ва, умуман, пул борасида гап кетаётганида бир эзгу ҳаракатни асло йўқотмаслик лозим:

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

Республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 декабригача унни аҳолига 1993 йилнинг 15 ноябригача амалда бўлган нархларда сотилиши таъминлансин.

2. «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу фармойишнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда ана шу мақсадлар учун бюджетдан бериладиган дотация миқдорларига зарур ўзгаришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 12 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб ун ва нон учун янги чакана нархлар белгилашга қарор қилди. Уннинг нархи ўрта ҳисобда 150 сўм, бир килограмм ноннинг нархи ўрта ҳисобда 120 сўм бўлади.

Бу тадбир кўп қисми собиқ Иттифоқ республикалари ва чет элдан келтириладиган озиқ-овқат учун ишлатиладиган ғалланинг нархи ҳамда уни қайта ишлашга сарфланаётган харажатларнинг тобора ошиб бораётгани туфайли амалга оширилмоқда.

Масалан, республика ташқарисидан жаҳон нархлари бўйича келтирилаётган бир килограмм ғалла давлатга 156 сўмга, бир килограмм ун эса 200 сўмга тушмоқда.

Шунинг учун ун ва нонга белгиланган янги чакана нархлар амалга киргандан кейин ҳам давлат бюджетидан ойига 4,5 миллиард сўм дотация ажратиш кўзда тутилган.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, МДҲ мамлакатларининг деярли барчасида ун ва ноннинг чакана нархи республикамизда белгиланаётган янги нархлардан анча баланд. Буни қуйидаги жадвалда кўришингиз мумкин:

(Бир килограммига сўм ҳисобида)

	Тошкент	Москва	Душанбе	Минск	Санкт-Петербург	Кишинёв	Алматы	Бишкек
Ун	150	320	360	900	560	710	750	—
Нон	120	450	235	—	265	530	—	135

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасида ХДП ташкилотларининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигини нишонлаш юзасидан вазифалари муҳокама қилинди. Партия Марказий Кенгашининг Конституциянинг бир йиллигига бағишланган ва жойларга юборилган тадбирлар режасига қўшимча тарзда партия ташкилотларига тавсиялар тасдиқланди. ХДП Қорақалпоғистон Республикаси вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларига мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигини нишонлашга тайёргарлик ишларини янада кучайтириш вазифаси қўйилди.

Конституция кунига бағишланган тадбирлардан ҳар бир фуқарога Асосий Қонунимизнинг сиёсий мазмуни ва моҳияти, аҳамиятини чуқур тушунтириш, Она-Ватанимизга меҳр-муҳаббат, унинг буюк келажагига, миллий истиқлолимиз истиқболига ишонч туйғуларини кучайтириш, миллий ва умумбашарий қадриятларни эъзозлаш, юртимиздаги тинчлик-осойишталик н и н г барқарорлигини таъминдаш учун фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Илмий-амалий анжуманлар, йиғилишлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллалардаги суҳбат ва учрашувлар, тантаналарда Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва кафолатлар, Ўзбекистонимизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини юртбошимиз, партиямиз Раиси И. А. Каримов асарлари, партиямиз дастурий ҳужжатлари асосида атрофлича тушунтириш, мамлакат раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати халқимиз, миллатимиз манфаатларини кўзлаётганлигини аниқ-равшан далиллар билан исботлаб бериш лозим.

Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳамда ташкилотларига Конституция куни муносабати билан жойларда шанбаликлар ўтказиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, халқ сайллари ташкил этиш, илмий-амалий анжуманлар уюштириш, ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА БАРАВАР ТЎЛОВ ВОСИТАСИ СИФАТИДА «СЎМ-КУПОНЛАР»НИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа пул даромадлари аҳолига ўз вақтида тўланишини таъминлаш, республиканинг ички истеъмол бозорини муҳофаза қилиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майдаги 883-XII-сон, 1993 йил 3 сентябрдаги 952-XII-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1961—1992 йилларда чиқарилган нусхадаги рубль билан баравар тўлов воситаси сифатида «Сўм-Купонлар» муомалага киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Сўм-Купонлар» 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 «Сўм» қиймати билан, 1961—1992 йиллар нусхасидаги 1 рублга 1 «Сўм-Купон» нисбатида ва Россия Банкининг 1993 йил нусхасидаги қоғоз пулларига ҳам худди шундай нисбатда муомалага чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни беришда рублар билан бир вақтда ва ўз муддатида белгиланган нисбатларда «Сўм-Купонлар» берилишини таъминласин. Навбатдаги тўловлар 1993 йил 21 ноябргача берилиши таъминлансин. 1993 йил декабрь ойи учун пенсия ва стипендиялар 100 фоиз миқдорида «Сўм-Купонлар» билан тўлансин.

«Сўм-Купонлар» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат, кооператив ҳамда бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ва аҳоли томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банк муассасалари ва Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан жорий ҳисоб-китоб счётларига, омонатларга, аккредитивларга қўшиш учун ва пул ўтказиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбурийдир.

Халқ хўжалигида ҳисобга олиш ва Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар белгиланган тартибда рублар ҳисобида сақлаб қолинади.

2. 1993 йилнинг 22 ноябридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купон варақчаларининг (бир маротабали купонлар) амалда бўлиши бекор қилинсин.

3. СССР Давлат банки ва Россия Банкининг қоғоз пуллари бўйича қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

а) Россия Банкининг 1993 йил нусхасидаги қоғоз пуллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов воситаси сифатида чекловларсиз қабул қилинади;

б) СССР Давлат банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 рубль бўлган 1961—1992 йиллар нусхасидаги қоғоз пуллари «Сўм-Купонлар» билан бир қаторда тўлов воситаси сифатида чекловларсиз фойдаланилиши мумкин;

в) СССР Давлат банки ва Россия Банкининг қиймати 200, 500, 1000 рубль бўлган 1961—1992 йиллар нусхасидаги қоғоз пуллари Ўзбекистон Марказий банкининг «Сўм-Купонлари» билан алмаштириб бўлгунга қадар муайян муддатгача тўлов воситаси сифатида қабул қилинади;

г) 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб Россия банкининг қиймати 5000 ва 10000 рубль бўлган қоғоз пулларидан барча турдаги тўловларда фойдаланиш тақиқлансин. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 1993 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур қоғоз пулларни муомалага чиқаришни батамом тўхтатсин. Аҳоли қўлида бўлган ана шу қийматлардаги пулларни Жамғарма банки муассасаларига омонатлар сифатида қўйиш ва кейинчалик улардан белгиланган тартибда фойдаланиш тавсия этилсин.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ПУЛИГА ЎТАДИ!

12 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистоннинг ўз пули — купон-сўмига ўтишга бағишланган кенгаш бўлди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди. Кенгашда республика Олий Кенгашининг раиси Ш. Иўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Олий Кенгаш раиси ва Бош вазирнинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Кенгаш комитетларининг раислари, вазирликлар, идоралар, банкларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Маълумки, миллий валютага ўтиш Россия раҳбарияти ва бу мамлакат Марказий банкининг беқарор сиёсати туфайли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яқинда Алматида бўлиб ўтган учрашувида Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев қабул қилган қўшма баёнотда Марказий Осиё минтақасидаги икки йирик давлатнинг ўз миллий валютасига ўтиш ҳақидаги қарори аниқ баён қилиб берилган эди. Қайд этилганидек, иккала қардош қўшни мамлакатда бир вақтнинг ўзида миллий пул жорий қилинади. Фарқ фақат шундаки, Қозоғистон бирданига рублни чекланган миқдорда тангага — Қозоғистоннинг миллий пулига алмаштиради, Ўзбекистон эса аввалига купонни жорий қилади. Кенгашда ана шу — купон-сўмни жорий этиш муддати белгиланди.

— Биз ўз пулига ўтган Болтиқбўйи мамлакатлари, Қирғизистон ва Туркманистон тажрибасини обдон ўргандик, — деди Ислом Каримов. — Бунинг сабаби бор, албатта. Мақсадимиз — сўмни жорий қилишда бизданолдин ўз пулига ўтган мамлакатлардаги нохуш оқибатларга йўл қўймасликдир. Олдимизда икки йўл турарди: ё қисқа муддатларда пул ислоҳотини ўтказишимиз, — аммо бу аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинмаган тоифаси аҳволига салбий таъсир кўрсатган бўларди. ёки аста-секин, ҳар хил сакрашларсиз сўмни муомалага чиқаришимиз лозим эди. Биз ўз йўлимизни танладик. Бу йўл шундан иборатки, дастлабки пайтда республиканинг ички бозорида кўп марта ишлатиладиган купон жорий этилади. У рубль билан (1 рубль: 1 купон-сўм) теппа-тенг юради. Ҳеч қандай чеклаш бўлмайди. Чеклаш инсон ҳуқуқини поймол қилиш бўлар эди.

Хўш, нега республика бирданига ҳақиқий пулга ўтиб қўя қолмаяпти? Бу ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик эмасми? Жавоб лўнда: йўқ!

1961 йилдаги машҳур Хрушчёв ислоҳоти, шунингдек, ўз валюталари қийматини сунъий тарзда ошириб юборган Қирғизистон билан Туркманистон тажрибаси бу ишда шошилиш ортиқча, ҳатто кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Битта мисол. Ҳозир Туркманистонда бир буханка нон 2,5 манат туради. бундай қараганда арзонга ўхшайди. Лекин, республикадаги ўртача маошни ҳисобга олган ҳолда бу пулни рублга чақсак, ноннинг нархи 1250 сўмга етади. Бу нархнинг яқин ўртада тушиши амримаҳол. Биз жорий қилаётган ўтиш даври купони эса сўмнинг муомалага қатъий ишонч билан киришига пухта омил бўлади.

Кенгашда купон-сўмларни биринчи навбатда нафақахўрлар, талабалар, республиканинг турли эҳтиёжманд фуқаролари тўла ҳолда олиши таъкидланди. Кенгаш иштирокчиларининг эътибори пул алмашиш даврида бирон-бир камхарж оила масъул ходимлар назаридан четда қолмаслиги лозимлигига қаратилди. Вилоятларга алоҳида ваколатга эга бўлган нуфузли раҳбарлар бириктирилди. Бош вазир А. Муталов раҳбарлигидаги пул алмашиш республика комиссияси зиммасига бу муҳим тадбирни амалга оширишни , мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифаси юклатилди. Ишчи ва хизматчилар ноябрь ойи маошини қисман купон, қисман рубль билан олади.

Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлайдиган асосий манба — бозорга келадиган бўлсак, Президент бозордаги сотувчиларга нисбатан ҳеч қандай тазйиқ бўлмаслиги керак, деган масалани қатъий қилиб қўйди. Деҳқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотни купон-сўмга сотадими, рублга сотадими — ўзлари билади. Аммо, улар миллий пулни афзал кўришлари аниқроқ, албатта.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, энг муҳими, Ўзбекистон фуқароларида ташвишланиш, безовталикка асос йўқ. Миллий валютага ўтиш жараёни мураккаб, албатта. Бироқ, ҳукумат вужудга келиши мумкин бўлган ҳар хил вазиятларни назарда тутиб, пайдо бўлган муаммоларни тез ва самарали ҳал қилишга тайёр турибди.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, 15 ноябрь мустақил Ўзбекистонимизнинг молиявий мустақилликка эришган куни бўлиб тарихга киражак!

(ЎзА ихбири).

УЮШҚОҚЛИК—ЮТУҚ ГАРОВИ

Асака тумани партия кенгаши ижроия бюросида партиямизнинг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари лойиҳаси жойларда муҳокама қилинишивабозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан партия ташкилотлари олдида турган галдаги вазифалар кўриб чиқилди.

Йиғинда бозор иқтисодиётига ўтишда деҳқон (фермер) хўжаликлари тузиш, кичик корхоналар ташкил қилиш, мавжуд моддий ва маънавий имкониятлардан унумли фойдаланиб, хўжаликлар иқтисодиётини мустаҳкамлаш билан аҳоли турмуш даражасини яхшилашга эришиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш ҳамда ишга солиш тадбирлари ҳам кўрилди. Сайловларга ҳозирлик кўриш ва миллий истиқлол мафкураси лойиҳасини аҳолига тушунтириш, бу тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида ўқув машғулотлари ташкил этиш, «маърифатхона»лардаги адабиётлардан кенг фойдаланишга келишиб олинди.

Маъмуржон ЖОНУЗОҚОВ,
Асака тумани.

ЖАСОРАТ БИЗГА ТАҚДИР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўзбекистон ва Қозоғистон, наинки бу икки мамлакат, балки Марказий Осиё республикалари ҳамкорлигига аввалдан замин яратилгани, шу хайрли ният билан Президентимиз Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат бошлиқларини йилнинг бошида Тошкентга таклиф этгани, шу тадбирнинг ҳосиласи ўлароқ, «Янги кун» газетаси юзага келганлиги, Марказий Осиё Академияси тузилгани ҳеч кимга сир эмас...

Учинчи январь куни бўлиб ўтган учрашувдан кейин ҳозирги, хусусан, Москва матбуоти бу ҳамдўстликка бошқача тус бергани, ортиқча шов-шув қилгани ҳам ёдимизда. Ўша йиғинда: «Эллик беш миллион киши яшайдиган минтақада таркиб топаётган бозор муносабатларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди», деган фикр айтилган ва у ҳамон яшаб келмоқда. Зеро, аждодларимиз ҳам минтақага шундай нуқтаи назардан қарашган. Улар «бир булоқдан сув ичишган, илдизимиз бир» (Ислом Каримов). Азалдан шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай: шу йилнинг ўзида қозоқнинг неча оқинию, ўзбекнинг неча фозили тўю тантанаси бирга нишонланди-ку ахир, тўйларда бирга от сурилди-ку!..

Қозоқ адабиётининг мумтоз намуналаридан бири бежиз «Аз и Я» («Осиё») деб номланмаган ва унинг ҳар бир сатридан киндик қони томган тупроққа, кечмишга, Ватанга муҳаббат силқиб туради. Бу минтақа фарзандлари оғир дамда ҳам бир-бирининг тақдирига лоқайд қарашмайди. Тарих бунга гувоҳ. Шунингдек, Президент девонидаги матбуот конференциясида ҳам, Тожикистон рубль зонасида қоляпти, у билан ҳамкорлик қандай кечади, деган маънода савол тушди. Бунга жавобан Ўзбекистон Президенти: «Қўшниларимиз билан қалин ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз, — деди. — Бироқ рубль зонасида қолиш-қолмаслик Тожикистоннинг ўз иши...»

Пулнинг шакли-шамойили хусусида аввалдан келишиб олгандек Президентларнинг фикри бир жойдан чиқди: унда давлат раҳбарларининг суврати бўлмайди. Гербимиз, қадриятларимиз рамзи ўз ифодасини топади. Пойтахтларда қардош мамлакат валютасини алмаштирувчи банк ё пунктлар барпо этилади...

Ниҳоят, сафар ниҳоясига етди. Ҳадемай Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев диёримизга ташриф буюради. Келаси йилнинг баҳорида эса қардошларимиз диёрида Ўзбекистон кунлари, кузга бориб юртимизда Қозоғистон кунлари бўлиб ўтади. Зеро, якдилликда ҳикмат кўп...

Алматидан қайтар экан-миз, Ислом Каримовнинг миллий пулга ўтиш жараёнини инқилобга қиёс этгани хаёлимдан кечди. Бу босқич мураккаб кечиши табиий. Аммо у қачондир муқаррар содир бўладиган жараёндир. Истиқлолнинг табиати аслида шуни тақозо этади. Зеро, муҳими бунда эмас, муҳими — икки йирик мамлакатнинг елкама-елка туришида. Бу ёруғ оламда шундай туйғу, тушунчалар, шундай ҳақиқат мавжудки, у оғир дамларда кўнгилга ёруғлик бахш этади, негаки, у ҳар недан азиз ва муқаддасдир. У ҳам бўлса, якдиллик, биродарлик, миллат ва Ватан, миллатнинг ёруғликка чиқиши, Ватан истиқлолидир. Бу йўлда, шоир айтмоқчи, жасорат бизга тақдир!

Ғаффор ҲОТАМОВ,
ёзувчи.

Тошкент — Алмати — Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА БАРАВАР ТЎЛОВ ВОСИТАСИ СИФАТИДА «СЎМ-КУПОНЛАР»НИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

4. Аҳолига фақат «Сўм-Купонлар»га сотиладиган халқ истеъмол молларининг рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 25 минг рублгача бўлган товарларнинг бошқа барча турлари, шунингдек пулли хизматлар (коммунал, маиший, транспорт хизмати ва ҳоказолар) рубларга сотилиши ва рубль ҳисобидан амалга оширилиши мумкин (қиймати 5000 ва 10000 бўлган рубллардан ташқари). Мазкур тартиб 1993 йилнинг 22 ноябридан жорий этилсин.

5. Илгари белгиланган тартибга мувофиқ қиймати 25 минг рублдан юқори бўлган товарларнинг ҳаммаси савдо тармоқлари орқали Ўзбекистон Республикасида фақат унинг фуқароларига берилган ҳисобкитоб чеклари, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириқларига кўра пул ўтказиш йўли билан, паспорт кўрсатилган ва паспортга берилган илова белги мавжуд бўлган тақдирда сотилади.

6. Паспортга илованинг шакли ва у ҳақдаги Низом, Жамғарма банки, Молия вазирлиги ва Давлат матбуот қўмитаси томонидан тасдиқлангани ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг муассасаларига етказилгани маълумот учун қабул қилинсин.

7. 1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб 1961—1992 йилларда чиқарилган нусхадаги нақд рубль пулларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш тақиқланади.

8. Россия Банкининг 1993 йил нусхасидаги пулларини жисмоний ва юридик шахслар томонидан республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш меъёри 150 минг рубль миқдорида белгилансин. Россия Банкининг 1993 йил нусхасидаги пулларининг белгиланган меъёрдан ортиқча миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус рухсатномаларига биноан олиб чиқиб кетилади.

9. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки «Сўм-Купонлар»ни Россиянинг 1993 йил нусхасидаги рубларига 1:1 нисбатида ва эркин муомаладаги валютага мавжуд курс бўйича алмаштириб берадиган махсус пунктлар очсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси республиканинг бутун ҳудудида такомиллаштирилган шаклдаги № 1-торг бланки бўйича ойлик статистика ҳисоботини жорий этиб, унга қуйидаги графалар қўшилишини ҳисобга олсин:

«Сўм-Купонлар» бўйича оборот;

товарларни меъёрланган миқдорда бериш бўйича оборот.

11. «Сўм-Купонлар»ни муомалага чиқариш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш, бериш ва сақлаш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ишлаб чиққан Муваққат низом тасдиқлансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг раислари, савдо тармоқларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари зиммасига «Сўм-Купонлар» билан рубль баравар муомалада бўлишига оид тасдиқланган тартибни сўзсиз бажариш, шунингдек мазкур қарор талабларига мувофиқ товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуи ҳудудларда таъминланиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

13. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойларда Жамғарма банки ва тижорат банкларининг муассасалари билан, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда иш ҳақи ва бошқа даромадларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича банк муассасалари орқали бериб бориш тажрибасини кенгайтиришга доир қўшимча ишларни амалга оширсинлар.

14. «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» бошқаруви, савдо тармоқларига эга бўлган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари майда улгуржи савдо тариқасида ноозиқ-овқат товарларини чакана савдо тармоқларидан корхоналар ва ташкилотларга сотишни тўхтатсинлар.

Бозор фондидаги озиқ-овқат маҳсулотлари фақат болалар муассасаларига, шифохоналар, даволаш-профилактика муассасаларига, дам олиш уйларига, кексаларнинг интернатларига, ногиронлар учун мўлжалланган уйларга, ўқув муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий-маданий муассасаларга сотилсин.

15. Ушбу қарор рўёбга чиқарилишини таъминловчи республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

Республика комиссиясига илгари қабул қилинган норматив ҳужжатларни бир ҳафта муддат ичида мазкур қарорга мувофиқ ҳолга келтириш топширилсин.

16. Ушбу қарор қандай бажарилаётганини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўртоқ А. Муталов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 12 ноябрь.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги қарорига 1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА ФАҚАТ «СЎМ-КУПОНЛАР»ГА СОТИЛАДИГАН ҚИЙМАТИ 25 МИНГ СЎМГАЧА БЎЛГАН ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ*

1. Нон ва нон-булка маҳсулотлари.
2. Ун
3. Ўсимлик ёғи
4. Чой
5. Қанд-шакар
6. Гўшт ва гўшт консервалари
7. Кир совун
8. Умумий овқатланиш

* Қарорнинг 3-бандига мувофиқ, «Сўм-Купонлар» билан бир қаторда ҳақ тўлаш учун СССР Давлат банки ва Россия Банкининг қиймати, 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 рубль бўлган 1961—1992 йилларда чиқарилган нусхадаги қоғоз пуллари ҳамда 1993 йилда чиқарилган барча қийматлардаги қоғоз пуллар ҳам қабул қилинади.

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ХАЛҚ МАДАДИ—ТУГАНМАС ҚУДРАТ

Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар Кенгаши партиямизнинг икки йиллиги муносабати билан «ЎзХДП жамиятнинг етакчи сиёсий кучи бўлмоғи лозим» мавзуида давра суҳбати уюштирди. Унда партиянинг икки йиллик фаолиятига муносабат билдирилди. ХДПнинг бошқа сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари билан алоқаси, Олий Мажлисга бўладиган сайловлардаги роли ҳақида мулоҳазалар юритилди. Қуйида суҳбат қатнашчиларидан айримларининг фикрларини келтирамиз.

Баҳодир ШЕРМУҲАМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори, вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби:

— Тарихдан маълумки, ҳар қандай жамият мафкурасиз, сиёсий партияларсиз тараққий эта олмайди. Бироқ жамият ривожи сиёсий кучларнинг қарама-қаршилиги эмас, балки ўзаро ҳамкорлиги билан ўлчанади. Ҳамкорлик деганда мен партия ҳаракат Дастури ва Низомининг, фаолиятининг давлат сиёсатига тўғри келишини назарда тутяпман. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, Халқ демократик партияси мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ўз ўрнини тополди.

Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётининг мезони — вақт. Вақт эса партиямиз йўналиши халқ турмушига яқин эканлигини кўрсатмоқда. Назаримда, биз энди давлат бошқаруви органларига у ёки бу соҳани ривожлантириш юзасидан таклифлар билан чиқиш тизимини ишлаб чиқишимиз зарур. Мафкура ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Шунинг учун мен ҳокимликлар қошида мафкура бўлимлари очилиши зарур, деб ҳисоблайман.

Даврон ШОДИЕВ,
Чармгари маҳалласининг оқсоқоли:

— Аслида биз турмуш деганда оила ва маҳаллани тушунамиз. Шундай экан, халқ ҳаётининг ана шу томонини забт этолган ҳар қандай партия катта қудратга эга бўлади. Демоқчиманки, энди маҳаллаларда ХДПнинг бошланғич ташкилотларини кўпроқ тузиш ва уларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. Масалан, бизнинг маҳаллада зиёлилар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг халқ ўртасидаги обрўсидан фойдаланиш мумкин. Айниқса, сайлов жараёнида маҳалладаги партиявий ташкилий ишлар яхши самара беради. Ўз ўрнида оқсоқоллар, умуман маҳалла аҳолиси Халқ демократик партияси сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Зеро, халқ мадади — туганмас қудрат ҳисобланади.

Ҳасан БЕГМАТОВ,
Самарқанд давлат дорилфунуни профессори, бошланғич партия ташкилотининг котиби:

— Икки йил ичида анчамунча тажриба орттирдик. Вазифалар ҳам кўзга аён кўриниб қолди. Менимча, фақат партия аъзоларинигина эмас, сиёсатимиз тарафдорларини ҳам кўпайтиришимиз ва уларни атрофимизга жипслаштиришимиз зарур. Оқсоқоллар, зиёлилар, хусусан олимлар тарғиботчилик қобилиятидан самарали фойдаланиш лозим. Илгари мавжуд бўлган тарғиботчилар гуруҳи фаолиятини тиклаш керак. Дорилфунун ўқитувчилари бундай хайрли ишда қатнашишга тайёр эканликларини айтишяпти.

Роҳила ХЎЖАЁРОВА,
Самарқанддаги 55-мактаб муаллимаси:

— Мен шу йил ўқитувчилар сафига келиб қўшилдим. Талабалик тажрибамдан шуни айта оламанки, ёшларнинг аксарияти ҳаётни бир ёқлама тушунади. Шу сабабли, улар баъзан эҳтиросли, даъватларга эргашиб кетишади. Демак, аввало, ёшларга турмуш ҳақида тўлароқ маълумот бериш, улар билан эринмасдан мулоқотда бўлиш керак. Чунки айнан ана шу йигит-қизлар партиямизнинг келажагидир. Шу боис, партия ташкилотлари ўз тадбирларига талабаларни кўпроқ жалб этишлари лозим, деб ўйлайман.

Ҳуррам БАРАКАЕВ,
дорилфунун профессори:

— Бошқа сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур. Масалан, ёшлар, касаба уюшмалари қўмиталари, «Ватан тараққиёти» партияси. Айниқса сайловолдидан ҳамкорлик бизга асқотади. Бу — дунёвий тажриба. АҚШ Президенти ҳам касаба уюшмалари билан ҳисоблашади. Швецияда эса социал-демократик партия касаба уюшмалари билан қўшилиб кетган. Шундай экан, оммавий-сиёсий тадбирларни ҳамкорликда уюштирган маъқул.

Саид ТЎРАҚУЛОВ,
ўқитувчи, меҳнат фахрийси:

— Ҳар қандай мафкура турмушнинг инъикосидир. Демак, биз истиқлол мафкурасини яратар эканмиз, аваламбор, кундалик ҳаётдаги анъана ҳамда расм-русумларни ҳисобга олишимиз лозим. Тўю маъракалар, оилавий тадбирлар — ҳамма-ҳаммаси пировардида истиқлол мафкурасига замин яратади. Шунинг учун Халқ демократик партияси турмушга янада чуқурроқ кириб бориши, миллий анъаналарни бойитиш, такомиллаштириш устида жиддий ишлаши керак. Бу масалада маҳалла ва оила энг асосий воситадир.

Ўткир НОСИРОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошланғич партия ташкилоти котиби:

— Турмушда маънавий бўшлиқ пайдо бўлганини сездик. Энди бунга томошабин бўлиб турмайлик. Ташаббусни қўлга олайлик. Масалан, қаранг, маҳаллий телевидение, кабель телевидениеси кечқурунлари қанақа енгил-елпи кинофильмлар намойиш қилмоқда. Ёки болаларнинг дарсга бормай, кўча-кўйда савдо қилиб ўтиришини айтинг. Пул, иқтисод деб маънавий қашшоқлашишга йўл қўймаслигимиз зарур. Айнан ана шу ишда ХДПнинг ташаббускор бўлишини истаймам.

Ҳалима ЭРГАШЕВА,
шаҳар халқ таълими бошқармаси масъул ходими:

— Мафкура аслида таълимдан бошланади. Агар биз болани бошдан қўйиб берсак, шаклланган мафкурани тузатишимиз қийин кечади. Яшириб нима қиламиз, айрим болалар 9-, ҳатто 6—7-синфдан кейин ҳам ўқимай қўйишди. Ўзларини савдога уришяпти. Тўғри, болалар савдо юритишни ўргангани маъқул. Бироқ, улар нуқул алдамчилик, чайқовчилик билан шуғулланишяпти. Илгари синфдан ташқари тарбиявий соатлар, машғулотлар бўларди. Менимча, партия ташкилотлари ана шу соҳани ҳам оталиққа олишлари керак. Умуман, мен мафкура билан бевосита шуғулланадиган идоралар, кишилар бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Раҳимжон ЮСУПОВ,
шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби:

— Бошқарув тизимининг шаклланаётганлиги ҳамда иқтисодий қийинчилик туфайли мафкура билан жиддий шуғулланиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Шу сабабли Президентимиз И. Каримов миллий истиқлол мафкурасини яратиш ташаббуси билан чиқди. Умуман, бу ишга барча бош қўшиши шарт. Аммо мафкурани яратишда, уни ҳимоя қилишда, такомиллаштиришда бизнинг партия ташаббускор бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Ҳозир ходимларимиз билан ҳар бир меҳнат жамоасида партиявий ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан суҳбатлар ўтказяпмиз. Муҳими, бундай тадбирларнинг давомийлигига эришишдир. Давра суҳбатимизда таъкидлаб ўтилганидек, халқнинг мадади — туганмас қувват. Партиянинг келажаги эса ана шу имкониятдан қанчалик фойдаланишимизга боғлиқ.

«Ўзбекистон овози»нинг мухбири Фармон ТОШЕВ ёзиб олди.

КАТТА ИШОНЧ

Хўжайли туман партия Кенгаши, унинг ижроия бюроси бошланғич ва цех партия ташкилотлари ишларини тубдан яхшилаш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Туман партия кенгаши ходимлари жойларда бўлиб, бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ички партиявий ишларни юритиш, йиғилишларни ўтказиш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини кўриб чиқиш, ишлаб чиқаришдаги энг яхши ташаббусларни маъқуллаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш каби иш услублари яхши самара бермоқда. Партия аъзолари бўлган хўжалик раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари муовинлари ҳисоботлари мунтазам тингланмоқда. Уларнинг ҳисоботлари мазмунини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши VIII пленуми қарорлари, республикамиз Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг рисолалари, маърузаларидан келиб чиқадиган асосий вазифалар ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қўл келяпти.

Жамоа партия ташкилоти ҳисобида 69 нафар партия аъзоси бор. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи жабҳаларида олтита цех партия ташкилоти тузилган. Ўтган икки йилда ишлаб чиқариш илғорларидан йигирма тўрт киши партия аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади.

Бошланғич партия ташкилотимизнинг асосий вазифаси жамоамиз аҳлининг турмуш даражасини яхшилашдан, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишдан иборат. Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг Фармон, қарорларини амалга оширишда, уларнинг ижросини таъминлашда партия ташкилоти бир қатор ишларни қилди. Аҳоли тураржой, томорқа-ер билан таъминланди.

Ишсизларни иш билан таъминлаш бўйича ҳам жамоамизда бир қатор ишлар қилинмоқда. Бичиш-тикиш, сабзавот консерва, томат қилиш, телевизор, радио, уй-рўзғор буюмларини таъмирлайдиган цехлар ишлаяпти. Жамоамизда иккита фермер хўжалиги ҳам мавжуд. Унинг бирига ХДП аъзоси Бисенбой Давлетов раҳбарлик қилмоқда. Жамоа хўжалиги фермаси ва фермер хўжаликлари хусусийлаштирилди.

Суюнишбой СОБИРОВ,
Хўжайли тумани «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган Сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш борасида ташланган дадил қадам дейиш мумкин. Келажаги буюк давлатнинг қонун чиқарувчи олий вакиллик органи — Олий Мажлиснинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш, унга ҳар томонлама билимли, юксак маданиятли, юқори малакали депутатларнинг сайланишига эришиш энг муҳим вазифадир.

Мен Қонун лойиҳасини маъқуллаш билан бирга уни янада такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблайман. 1-моддада Олий Мажлиснинг асосий вазифаси ва хусусиятларини таъкидлаш ўринли бўлур эди. Шу ерда «Инсонпарвар демократик ҳуқуқий ўзбек давлатининг қонун чиқарувчи вакиллик органи — Олий Мажлис миллий мустақиллик, истиқлол масъулиятини чуқур англаган ҳолда демократия ва ижтимоий адолатни ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, тенг сайлов ҳуқуқлари асосларида сайланган, профессионализм асосида иш олиб борадиган 150 нафар етук малакали депутатлардан иборат бўлади. Уларнинг асосий қисмини ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва социологлар ҳамда одамлар ҳурматини қозонган, эл назарига тушган тажрибали етук амалиётчилар ташкил этади», деб ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Лойиҳада Олий Мажлисга сайланадиган депутатларнинг давлат тилини билиши ва миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиши тўғрисида бирон нарса дейилмаган. Ҳолбуки, бу масала мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Лойиҳанинг 24-моддасида Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг сайловолди дастури қачон ва қай тартибда эълон қилиниши тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Назаримда, шу моддага **«Олий Мажлис депутатлигига номзоди кўрсатилган кундан бир ҳафта ўтгач номзод ва у аъзо бўлган партия ташкилоти ўз сайловолди дастурини тақдим этиши лозим»**, деб қўшиб қўйилса тўғри бўларди.

Истиқлолга эришганимиздан кейин қабул қилинган кўпгина муҳим тарихий ҳужжатлар каби ушбу Қонун ҳам Ўзбекистонимизнинг келажагини кўра олувчи Президентимиз бошчилигида жаҳон тан олган ўзига хос ва мос йўлдан дадил, ишонч билан бораётганлигини бутун дунёга намойиш этишига шубҳа йўқ.

Ортиқ ВАФОЕВ,
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти фалсафа кафедраси мудири.

ЯНГИ ПАСПОРТ НАМУНАСИ

● **БИШКЕК. Мамлакатда Қирғизистон Республикаси фуқароси паспортининг янги намунаси тайёрланди.**

Унда фуқароларнинг миллати кўрсатилиши тўғрисида савол йўқлиги паспортнинг хусусиятларидан биридир.

ТОЖИК ЧЕГАРАСИДА ЯНА ОТИШУВ

● **ДУШАНБЕ. Шу ҳафтанинг ўтган душанба куни кечқурун тожик — афғон чегарасидаги Москва чегара отрядининг 12-заставаси Россия чегарачилари пости яна ўққа тутилган.**

Москвадаги чегара қўшинларининг матбуот бюросида хабар қилишларича, чегара яқинидаги истеҳкомлардан миномётдан ўқ узилган. Чегарачилар сафида йўқотиш йўқ.

ҲАРБИЙГА ЧАҚИРУВ

● **АШГАБАТ. Яқинда шаҳар ҳарбий комиссариатида ҳарбий хизматни ўташлари учун ёшларнинг бир гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлди.**

Ёшларнинг кўпчилиги Ватан олдидаги конституцияда кўрсатилган бурчни бажаришни тўғри тушунмоқда. Лекин айрим ёшлар бу бурчга бошқача муносабатда бўлмоқдалар. Ашгабат ҳарбий комиссариатининг ходимлари айрим ёшларни ойлаб, ҳатто йиллаб чақириқ қоғози билан тополмаётирлар.

ФАХРИЙЛАР БЕПУЛ ЮРАДИЛАР

● **АЛМАТИ. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида аҳолининг энг чор-ночор табақалари — фахрийлардир.**

Фахрийларнинг кўпчилиги ҳозирги нарх-наво осмонга чиқиб кетган бир пайтда турмушини базўр кечиришмоқда. Яқинда Алмати шаҳар маъмурияти барча фахрийлар ва ўқувчиларнинг шаҳар транспортида бепул юришлари тўғрисида қарор қабул қилди. Бу тадбир кечиккан бўлса ҳам оқилона ишдир. Бундан ташқари, фахрийлар учун коммунал хизмати ҳақи шу йилнинг августигача бўлган нарх-лар даражасида йил охиригача давом этиши белгиланган. Алмати шаҳрининг барча уй-жой бошқармаларида ва бошқа ташкилотларида ҳар қандай маълумотномалар бепул бериладиган бўлди.

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР УШЛАНДИ

● **ДУШАНБЕ. Тожикистон миллий хавфсизлик қўмитаси жиноий гуруҳни қўлга олди.**

Бу гуруҳ республикада 1992 йилда чиқарилган қалбаки пулларни тарқатиш билан шуғулланган. Ҳар бири 10 минг сўмлик йирик пуллардан 20 миллион сўмлиги муомаладан йиғиштириб олинди.

ТАДБИРКОРЛАР АНЖУМАНИ

● **АШГАБАТ. Ашгабат шаҳрида тадбиркорлик масалаларига бағишлаб семинар ўтказилди.**

Уни Рокфеллер Халқаро маркази ва республика «Билим» жамияти ҳамкорликда уюштирган.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

● **АШГАБАТ. АҚШ экспертлари хусусийлаштириш борасида янгича йўл-йўриқларни ишлаб чиқадилар. АҚШ Давлат департаментининг мустақил давлатларга ёрдам кўрсатиш бўлими мувофиқлаштириш раҳбари Томас Саймон ўзининг сафари натижаларидан хулосалар чиқариб ана шу ҳақда фикр билдирди.**

Туркманистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси билан АҚШдан шу йилнинг охиригача учта самолётда дори-дармонлар олиб келинади. Бундан ташқари, АҚШ билан тузилган шартномага кўра катта миқдорда ғалла ҳосили ҳам сотиб олинган. Ўн 10—15 миллион долларни ташкил этади.

ТОЖИКИСТОН ҲОЗИРЧА ЯНГИ ВАЛЮТАГА ЎТМАЙДИ

● **ДУШАНБЕ. Тожикистон ҳозирча ўз валютасини чиқармайди.**

Бу масала Москвада бўладиган Россия ва Тожикистон ҳукумати вакилларининг музокаралари натижасидан сўнг узил-кесил ҳал бўлади.

Марказий Осиёдаги баъзи давлатларнинг ўз валютасига ўтиш эҳтимоли мавжудлиги тўғрисидаги хабардан сўнг, давлат миллий банки президенти Қаюм Қавмиддинов РАТА — ТАСС мухбирига шуни маълум қилди.

ҚОЗОҒИСТОН — ЛИТВА ҲАМКОРЛИГИ

● **АЛМАТИ. Президентлар Н. Назарбоев ва А. Бразаускас Қозоғистон ва Литва ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги шартномани имзолади.**

Шунингдек, ушбу мамлакатларнинг ташқи ва ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳақидаги баённома ҳам имзоланди. Таршриф якунлари юзасидан журналистлар билан ўтказилган суҳбат чоғида Н. Назарбоев Қозоғистон Болтиқ денгизидаги Клайпеда бандаргоҳи орқали юк ташиш имкониятларига катта аҳамият бераётганини билдирди.

ЯНГИ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

● **АШГАБАТ. Туркия билан Туркманистон ҳамда Тожикистон ўртасида янги телекоммуникация воситалари ишга туширилди.**

Жумладан, Туркия билан Туркманистон ўртасида телекс алоқасини таъминлайдиган ускуналар қурилиши тугатилиб, ишга туширилди. Тожикистон пойтахти ҳам ернинг сунъий йўлдоши орқали жаҳон мамлакатлари билан бевосита боғланиш имкониятига эга бўлди.

ГИЁВАНД МОДДАЛАРГА ҚАРШИ

● **АЛМАТИ. Қозоғистон Республикаси Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда Грузия ва Молдова номидан** Бирлашган Миллатлар Ташкилотини собиқ Советлар иттифоқи ҳудудида гиёванд моддалардан ҳимоя қилиш тизими ташкил этилишини қўллаб-қувватлашга чақирди.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

• *Аҳвол қалай, партиядошлар?*

ИЖТИМОИЙ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

ЕҲУД ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ ИШТИРОКИ

Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида юртбошимиз, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ҳақидаги маърузасида таъкидланганидек, бозор иқтисодиётини шакллантириш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик ва сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсади, энг аввало, инсоннинг ҳаёт кечиришига ва фаолият кўрсатишига қулай шарт-шароит яратишдир.

Шу билан бирга аҳолининг ҳимояга муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаб туриш иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишга кафолат беради. У бундан буён ҳар бир ишда ижтимоий таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларини жорий этишда, аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш борасида пухта чоралар амалга оширилиши керак.

Ҳозирги кунда вилоят партия ташкилотининг бутун фаолияти ана шу йўналишлардаги вазифаларни ижобий ҳал этишга қаратилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш, уларнинг корхоналар маъмуриятлари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликларини яхшилаш билан боғлиқ масалалар ва тадбирлар ХДП вилоят, шаҳар, туман кенгашлари иш режаларида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда 881 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Шуларнинг саксон саккиз фоизи бевосита модий ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларида тузилган. Улар меҳнат жамоаларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтиришга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Шу йилнинг июль ойида ХДП вилоят кенгаши ижроия бюросида Урганч шаҳридаги экскаватор-ремонт заводи, Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотларининг маъмурият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш, илғор тажрибаларни кенг қўлланиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш, жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишда партия аъзоларининг фаоллигини ошириш, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш чоралари ўз ифодасини топган.

Жумладан, Урганч экскаватор-ремонт заводи белгиланган тадбирда:

корхонани қайта таъмирлаш ҳисобига «ЭО—4111 Г» маркали экскаваторларни ишлаб чиқаришни 1993 йилда етмиш бештадан 1995 йилда уч юзтага етказиш;

ишчи-хизматчиларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжаликда тўқсон учинчи йилда 252 гектар, 1995 йилга бориб тўрт юз гектар ерда деҳқончилик қилиш; уй-жойга муҳтож ишчи-хизматчилардан тўқсон тўртинчи йилда юз кишини ва 1995 йилда уч юз кишини турар-жой билан таъминлаш кўзда тутилган.

«Сўғдиёна» хусусий корхонаси тадбирларида ишбилармонлик ва тадбиркорликни кенг йўлга қўйган ҳолда ишлаб чиқаришга илғор технологияни жорий этиб, корхонада иқтисодий, ижтимоий, маданий кўрсаткичларни яхшилаш режалаштирилган.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги маъмурияти, бошланғич партия ташкилотининг бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда белгилаган тадбирларида бошқарув аппарати ходимлари сони икки баробар қисқартирилиб, хўжаликни янгича иқтисодий ва ўз-ўзини бошқарув тизимига ўтказиш ва бошқа муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилган.

Партия ташкилотлари ҳозирги пайтда ана шу тадбирларнинг бажарилишини ташкил этиш борасида корхона, хўжалик маъмуриятлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда сиёсий-ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар.

Таъкидлаш керакки, аҳолига республика Президенти Фармонларининг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотларни етказишда маҳаллий газета, телевидение ва радио энг муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шу мақсадда вилоят кенгаши ижроия бюросида партия аъзоси, «Хоразм ҳақиқати» газетаси муҳаррири Қ. Қурбоновнинг газета саҳифаларида республика Президентининг фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга оид Фармонларининг бажарилишини ёритиш, ташвиқот қилиш соҳасидаги иши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу масалани тайёрлаш жараёнида газетхонлар билан махсус анкета сўровлари ўтказилди. Бу сўровларда эллик фоиз муштарий газета саҳифаларида Президент Фармонларининг бажарилиши етарли ёритилмаётганини, ўттиз фоизи эса бошланғич партия ташкилотларининг ижобий иш тажрибалари кам ёритилаётганини билдирдилар.

ХДП шаҳар, туман кенгашларига оммавий-ахборот воситалари ишига эътиборни ва улар билан алоқани яхшилаш, Президент Фармонларини ёритиш ва тарғиб-ташвиқ қилишда амалий ёрдам уюштириш, бошланғич партия ташкилотлари котибларининг мунтазам равишда чиқишларини ташкил этиш, газеталар таҳририятидаги партия ташкилотлари котибларининг мунтазам равишда чиқишларини ташкил этиш, журналист кадрлар билан мунтазам иш олиб бориш, обуна мавсумида уларга кўмаклашиш топширилди.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ва моҳиятини кишилар онгига чуқур етказишда, уларни тарғиб-ташвиқ қилиш ишининг самарали услубларини излаб топишда партия ташкилотлари бундан буён ҳам астойдил ҳаракат қилишларини ва ҳозирги кунда барча соҳаларда олиб борилаётган ишларда ҳокимият органларига кўмаклашишни давр талаб этмоқда. Буни партия аъзолари ҳам чуқур ҳис этмоқдалар.

Т. ЕНГУЛАТОВ,
Хоразм вилояти партия кенгаши ахборот шўъбаси мудири.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Бугунги кунда партиямиз масъулиятли даврни бошидан кечираётган экан, унинг сиёсий таъсирини ошириш ва халқ ишончини қозонишни бош мақсад қилиб олганмиз. Шуннигдек, бизнинг асосий вазифаларимиздан бири сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий тотувлигини таъминлашдан иборатдир.

Партиямиз Раиси, Президентимизнинг оқилона сиёсати шундаки, у кишини аввало кўп миллатли республикамизда осойишталикни сақлашга алоҳида эътибор берди ва ушбу масалани бош вазифа қилиб қўйди.

Шу боис Халқ демократик партияси амалга ошираётган ишлар юртбошимизнинг тутган сиёсати, фармон ва талабларидан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Туманимизда йигирма тўқизта бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофига 1507 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Уларнинг сафи партиямизга содиқ кишилар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Партия ва унинг тизимлари учун энг мураккаб масалалардан бири кадрлар билан ишлашдир. Буйруқбозлик услуби билан партия ўз кадрларини раҳбарлик лавозимларига қўйиш даври ўтиб кетди. Бироқ шу нарса аниқки, кадрлар сиёсатига ўз таъсирини ўтказмаган ҳар қандай партия шунчаки мунозара клубига айланиб қолиши табиий. Биз кадрлар билан ишлашда худди шу қоидаларга амал қилган ҳолда иш тутмоқдамиз. Кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишни туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бамаслаҳат амалга оширяпмиз.

Масалан, шу йил бошида Собиржон Сиддиқов номли давлат хўжалиги партия ташкилоти котиби Абдували Шокиров мазкур хўжалик директорлиги вазифасига тайинланди. Туман ҳокимлиги масъул ходими Ҳайитмурод Баҳриев эса йирик хўжаликлардан бири бўлган Усмон Носир номли давлат хўжалиги партия ташкилоти котиблиги вазифасига ўтказилди. Партия аъзоси Зарем Ёқубов Бобур номли қолоқ жамоа хўжалиги раислигига тайинланди. Умуман, кадрлар масаласида туман ҳокимлиги ва партия кенгашининг мустаҳкам ҳамкорлиги самарали натижалар бермоқда.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги оғир шароитида халқимиз ижтимоий-иқтисодий муҳофазага муҳтож. Шу боисдан туманимиз партия ташкилоти аҳолининг кам таъминланган табақасини ижтимоий ва иқтисодий муҳофазалашни ўз зиммасига олган. Партия ташкилотимизнинг ташаббуси билан туманимизда меҳр-мурувват ва хайрия жамғармаси ташкил этилган, 1992 йилнинг март ойида унга 2,8 миллион сўм пул тушганди. Бу йил эса ушбу кўрсаткич 4,8 миллион сўмга етди. Биз шу маблағ ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, мажруҳлар аравачалари сотиб олиб, муҳтож кишиларга тарқатдик.

Шунингдек, республикамиз Мустақиллиги куни арафасида ҳам катта хайрия ишлари ўтказилди. Корхона ва ташкилотлар томонидан хайр-эҳсон учун 22 миллион сўм пул йиғилди, 350 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига, мажруҳлар, ёлғиз ва кўп болали оналарга, бошқа кам таъминланган кишиларнинг омонат дафтарчаларига банк орқали эллик-юз минг сўмдан пул ўтказилди.

Бу аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишимизнинг фақат бир қисми, холос. Унинг ҳамма табақасини қамраб олиш мақсадида июль ойида туман аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш мажмуи дастури ишлаб чиқилди ва ҳоким тасдиғидан ўтказилди. Пулнинг қадрсизланиши туфайли оилик маошлар миқдорини ошириб бориш, кишиларни иш ва уй-жой билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ўқувчи ва талабаларга, кам таъминланган оилаларга, тўй маъракаларини ўтказишда кишиларга аниқ ёрдам кўрсатиш ана шу дастурда ўз ифодасини топган. Буларнинг ҳаммаси маъмурият ва касаба уюшмалари органлари ўртасида тузилган жамоа шартномаларида акс эттирилган.

Корхоналар ва хўжаликлар 5—11-синфларда аълоҳаҳога ўқиётган мактаб ўқувчиларига стипендиялар тайинламоқдалар.

Кенгашимиз ташаббуси билан шу йилнинг январь ойида фермерлик ҳаракати ва пиллачилик соҳасини оталиққа олдик. Бундан мақсад партия бевосита ишлаб чиқаришда қатнашиб, халқ хўжалигининг бирор соҳасини юксалтиришда ўзининг аниқ ҳиссасини қўшиш эди. Ҳамма хўжаликлардаги партия ташкилотлари котиблари ўз ишларига қўшимча равишда пиллачиликни ривожлантиришга бевосита ёрдам бердилар. Натижада бу йил туманимизда пилла етиштириш режаси 128 фоизга бажарилди.

Ҳозир туманимизда 148 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларда 1268 бош қорамол, 660 бош қўй-эчки, тўқсон бош чўчқа ва уч юзта парранда боқилмоқда. Туманимиз бўйича фермерлар уюшмаси тузилди. Унга хўжаликларда партия ташкилотлари котиблари, туманда эса туман партия Кенгашининг биринчи котиби раҳбарлик қилмоқда. Улар фермерлар олдида турган муаммоларни ҳал этишда, фермерчилик ҳаракатини кенгайтириш ва ривожлантиришда бевосита ёрдам бераётир. Зотан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурининг асосий қоидаларига кўра, партия фермерлик ва шахсий ёрдамчи хўжаликни янада мустаҳкамлаш, ижара муносабатларини ривожлантириш тарафдоридир.

Туманимиздан корхона ва хўжаликлар ҳисобидан 350 нафар талаба олий ўқув юртларида ва техникумларда, шу жумладан, туман ҳокимияти ҳисобидан ўн нафар талаба эса тиббиёт институтида ўқияпти.

Сўнгги йилларда туманимизда корхоналар, хўжаликлар ва фуқаролар маблағи ҳисобига турар-жой қурилиши кўлами қарийб икки баравар ўсди. Уй-жойни хусусийлаштириш тезлашди. 1430 та турар-жой ўқитувчиларга, тиббиёт ходимларига, уруш фахрийларига бепул шахсий қилиб берилди. Шу жумладан, 34 та кўп болали оилага, 35 нафар меҳнат мажруҳига, уч боқувчисини йўқотган 35 кишига эса уй-жойлар бепул хусусийлаштириб берилди. 32 нафар қария ва ёлғиз кишиларга маҳаллий бюджет ҳисобидан уйларига бориб хизмат кўрсатиляпти. Уларга тушлик тайёрлашга, уйини тозалашга, кирини ювишга ёрдам берилмоқда.

Туманимизда корхона ва хўжаликлар ҳисобидан 350 нафар талаба олий ўқув юртларида ва техникумларда, шу жумладан, туман ҳокимияти ҳисобидан ўн нафар талаба эса тиббиёт институтида ўқияпти.

Ҳозир туманимизда 148 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларда 1268 бош қорамол, 660 бош қўй-эчки, тўқсон бош чўчқа ва уч юзта парранда боқилмоқда. Туманимиз бўйича фермерлар уюшмаси тузилди. Унга хўжаликларда партия ташкилотлари котиблари, туманда эса туман партия Кенгашининг биринчи котиби раҳбарлик қилмоқда. Улар фермерлар олдида турган муаммоларни ҳал этишда, фермерчилик ҳаракатини кенгайтириш ва ривожлантиришда бевосита ёрдам бераётир. Зотан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурининг асосий қоидаларига кўра, партия фермерлик ва шахсий ёрдамчи хўжаликни янада мустаҳкамлаш, ижара муносабатларини ривожлантириш тарафдоридир.

Вилоятимиз партия ташкилоти ташаббуси билан ҳар ойда икки марта ўтказиладиган «Мулоқот» клуби фаолият кўрсатмоқда. Бу клуб ўзининг ҳар бир машғулотига туманлар партия Кенгашлари котибларини тўплайди. Улар меҳнаткашлар ўртасида эркин мулоқот мобайнида партия ишини жонлантириш, ҳокимлик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кучайтириш йўл-йўриқлари, мавжуд муаммолар ҳақида фикр билдириб, ўзларининг таклифларини айтадилар. Энг мақбул таклиф-мулоҳазалар партия ташкилотларининг амалий ишига татбиқ этилади. Худди шу асосда туманимизда ҳам «Мулоқот» клуби ишлаб турибди. Кўргазмали ташвиқот аҳолини партия ташкилоти фаолияти ҳақидаги ахборот билан яқиндан таништиради. Унинг тушунтириш, уқтириш ва ишонтиришдаги таъсир кучи ниҳоятда кучли. Бунда стендлар алоҳида ўрин тутади. Шу боисдан партия ташкилотимиз стендлар кўригини ўтказишни йўлга қўйган. Шу йил июль ойида туманимизда икки босқичдан иборат партия ташкилоти стендлари кўриги ўтказилди. Унда ғолиб чиққан партия ташкилотлари пул мукофотлари ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан рағбатлантирилдилар. Бу тадбирни мунтазам давом эттирамиз.

Партиямиз мавқеини ошириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири партия сафини ўстириб боришдир. Шу йилнинг тўқиз ойи мобайнида тўқсон икки нафар киши Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирди. Сафимизни кўпроқ ёшлар ҳисобига кенгайтириб боришга аҳамият бераётирмиз.

Хуллас, юқорида таъкидлаганимдек, ўз фаолиятимизда сиёсий ва тарғиботчилик ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор бераётирмиз. Энг муҳими, давр билан ҳамнафас қадам ташлашга ҳаракат қилаётирмиз.

Норбой ЖАЙНАҚОВ,
Оқолтин тумани партия Кенгаши биринчи котиби.

САМАРҚАНД ЧИННИСИ

Кейинги пайтларда Самарқанд чинни заводи жамоаси маҳсулот турларини тобора кўпайтирмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган лаган, пиёла, коса, чойнак ва турли-туман бошқа маҳсулотлар халқимизга манзур бўлаяпти.

Корхонада йилига 20 миллион сўмлик буюм тайёрланаётир. Самарқандлик усталар тайёрлаётган маҳсулотлар чет элларда, қўшни мустақил давлатларда ҳам машҳур. Республика ташқи савдо бирлашмаси орқали чет эл фирмалари билан алоқалар йўлга қўйилди. Корхонадагилар Ливан, АҚШ, Бирлашган Араб амирликларига кўп миқдорда маҳсулот жўнатишди. МДҲ давлатларига ҳам маҳсулот жўнатилмоқда. Россия, Тожикистан, Украина давлатлари буюмларнинг 75 фоизини сотиб олаётирлар.



Корхона раҳбарияти ишчиларнинг юксак меҳнат натижалари улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ эканлигини яхши биладилар. Шу боис завод қошида болалар боғчаси, ётоқхона, профилактория ишлаб турибди. Ишчиларга завод ошхонасида овқатланиш учун ёрдам пули қўшиб берилмоқда. Демак, корхонанинг келажаги порлоқ.

Суратда: техника назорати бўлими қизлари маҳсулот сифатини диққат билан кўздан кечиришмоқда.

Д. ҒАФУРОВ олган сурат. (ЎзА).

БОҒ-БОҒДЕК БЎЛАДИ

Қашқадарё вилоятининг келгуси йили кузда нишонланадиган 70 йиллик юбилейи олдидан Қарши шаҳрида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар корхоналари ва ташкилотлари томонидан янги истироҳат ва маданият боғида жуда кўплаб ноёб иншоотлар, маданий-маиший бинолар қурилади. Жумладан, битта марказий ва тўртта ёрдамчи дарвозалар, музқаймоқ кафелари, қариялар чойхонаси, ёзги кинотеатр ва театр бинолари ва қатор қурилишлар бошланиб кетди.

— Боғдаги ишларни тезлаштириш учун яқинда вилоят ҳокимлиги қарори билан яна 300 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Муродов. Қурилаётган иншоотлар ва иморатларни 1994 йилнинг биринчи чорагида тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Академик Обид Содиқов таваллудининг 80 йиллигига*

АЛЛОМА ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ



Обид Содиқов жаҳонга номи танилган машҳур химик олим, Меҳнат Қаҳрамони, Собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг академиги, Марказий Осиёдан сайланган Академия Президиумининг ягона аъзоси эди. Узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти бўлиб ишлаган. Унинг жаҳон химия фанига ниҳоятда катта ҳисса қўшган ўзбек олими эканлиги кенг илмий жамоатчиликка маълум.

Кейинги маълумотларга кўра, Обид Содиқов космосни ўзлаштиришда ҳам фаол иштирок этган экан. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ярим асрлик фаолиятидан 20 йилга яқини Обид Содиқов академия Президенти бўлиб, ишлаган даврни ташкил этади. Ўбекистон Фанлар академиясининг моддий техника базасини ривожлантириш, унинг тизимида янги бўлимлар, институтлар, лабораториялар очилиши унинг номи билан боғлиқ. Академияга Президентлик лавозимига ўтишга қадар у Тошкент Давлат университетининг ректори бўлиб ишлаган. Табаррук инсон университетда ҳам катта из қолдирган — 50-йиллар охири, 60-йилларда Обид Содиқов ташаббуси билан Университет янги биносини қуриш масаласи кўтарилди.

Университет шаҳарчасини қуриш ташаббусини Шароф Рашидов қўллаб-қувватлаганди. Мен шу вақтда Университет партия қўмитасининг котиби, кейинчалик олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган давримда хизмат юзасидан Обид Содиқов билан кўп бирга бўлганмиз. Шу сабабли у кишининг кенг қиррали фаолиятининг гувоҳи бўлганман. Имоним комилки, Университет шаҳарчаси қурилиши тарихи, унда иштирок этганлар холисона ёритилади.

Аммо шаҳарча қурилишини ҳал қилган муҳим воқеа ҳақида тўхтаб ўтмоқчиман. Маълумки, бир қурилиш биноси бўйича анчагина техник ҳужжатлар тайёрланиши керак, қурилишга ер майдони ажратиш, маблағнинг ҳажмини белгилаш ва ҳоказо. Бу шаҳарчанинг қурилиши шу даврда республикамизда энг йирик иншоотлардан бири эди. Шунинг учун ҳам асосий масалалар республика ва собиқ Иттифоқ миқёсида ҳал этиларди. Ана шу жараёнда жуда кўп қийинчиликлар, тўсқинликлар юз берди. Ўша вақтда белгиланган «қоида» бўйича қурилиш объектига 3 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарф қилиниши кўзда тутилган бўлса, собиқ Иттифоқ органларини, айниқса, Давлат план ва қурилиш давлат қўмиталарининг рухсати олиниши керак эди. Обид Содиқов бир неча бор Москвага бориб, юқоридаги органларга мурожаат қилиб, анча қийинчилик ва тўсқинликлардан кейин Университет шаҳарчаси қурилишига розилик олди. Москвадаги Олий ўқув юртлари қуришни лойиҳалаштирувчи ГипроВУЗ институти билан шартнома тузилди, лойиҳалаштириш ишига тажрибали архитектор М. Калашникова раҳбарлигида гуруҳ белгиланди. Қурилишнинг дастлабки лойиҳаси ҳам битди. Энди қурилишга ер майдони ажратилиши масаласини ҳал қилиш керак эди. Бунда кутилмаган тўсқинлик юз берди. 60-йилларда Хрушчев Олий ўқув юртларини, илмий муассасаларни шаҳардан чекка жойга олиб чиқиб кетиш керак, деган таклифни киритган эди. Шу боисдан бўлса керак, Тошкент шаҳри бош архитектори ва бошқалар Университет қурилишини шаҳардан чеккага, Тўйтепа атрофига олиб боришни таклиф қилдилар. Обид Содиқов Шароф Рашидов ҳузурида бўлиб, бу масала бўйича ёрдам беришларини илтимос қилди. Шароф ака умуман қурилиш масаласи Марказий Қўмита бюро мажлисида муҳокама қилинишини айтганларида Обид Содиқов ниҳоятда хурсанд бўлиб, ҳаяжонланиб гапириб берганларни ёдимда. 1960 йил май ойида МК махсус бюро мажлиси Университет шаҳарчасини қуриш масаласини батафсил муҳокама қилди. Обид Содиқов бу масалани мукаммал тайёрлаб, мажлисга лойиҳалаш гуруҳини ҳам таклиф этиб, қурилиш макетини бюро мажлисига тақдим қилди. Лойиҳа макетига архитектор М. Калашникова изоҳ берди. Масала қизғин муҳокама қилинди. Раислик қилувчи Шароф Рашидов Университет шаҳарчасини қуриш ниҳоятда катта сиёсий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Мажлис Тошкент атрофидан, ўша вақтда халқ хўжалик кўргазмасига мўлжалланган майдонни университет шаҳарчаси қурилишига биркитишни маъқул топди ва қурилиш лойиҳасига бир неча муҳим қўшимчалар киритди. Шундан сўнг қурилиш ишлари авж олиб кетди.

Обид Содиқовнинг орзуси рўёбга чиқди. У киши бошлаган иш давом этиб, ҳозирги кунда университет шаҳарчаси қандай кўркам жойга айланганлигининг гувоҳимиз. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, университет шаҳарчасини қуришда жонбозлик кўрсатганлар орасида академик Т. А. Саримсоқовнинг (ўша пайтда олий ва ўрта махсус таълим вазири эди), академик С. Х. Сирожиддиновнинг (Обид Содиқовдан кейин ректор бўлиб ишлаган) қўшган ҳиссалари ниҳоятда каттадир.

Обид ака машҳур химик олим бўла туриб фаннинг кўп соҳалари билан қизиққан. У кишининг фаннинг барча соҳаларига бўлган муносабати, гуманитар фанларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида кўп гапириш ва мисоллар келтириш мумкин.

Бу борада Обид аканинг Иброҳим Мўминов билан биргаликда кўрсатган бир маҳорати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

1968 йил 5 июнда Обид Содиқов раислигида Фанлар Академиясининг Президиумида мажлис бўлди. Бу мажлисда кўплар қатори мен ҳам қатнашганман. Мажлисда академик Иброҳим Мўминов Амир Темур ҳақида илмий маъруза қилди. 60-йилларда Амир Темур ҳақида ижобий гапириш қанчалик хавфли эканлиги ҳаммага маълум. Иброҳим Мўминовнинг маърузаси бўйича мулоҳазалар юритилиб, мажлис унинг маърузасини ва «Амир Темур Тузуклари»ни (Қозонда нашр этилган русча матни бўйича) нашр этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу йили, Фанлар академиясининг нашриётида «Амир Темур Тузуклари» босилиб чиқди. Академия Президенти Обид Содиқов, академик Иброҳим Мўминов ўзларига ниҳоятда катта масъулият олган эдилар.

Кўп вақт ўтмай академик Иброҳим Мўминов собиқ Иттифоқда чиқадиган «Вопросы истории», «Вопросы истории КПСС» журналларида ноҳақ танқид қилинди. Обид Содиқов ҳам танбеҳ олди. Эндиликда улар башорат қилиб айтган мулоҳазалар рўёбга чиқди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темурнинг ким эканлиги жаҳонга маълум бўлаяпти, унинг Тузуклари эса бебаҳо асар бўлиб, илмфанга муҳим манба бўлиб хизмат қилаяпти.

Шароф Рашидов вафотидан сўнг кўплар қатори Обид Содиқов ҳам ноҳақ айбланди. Шунча йил ҳурмат-иззатда бўлган олим кутилмаганда қаттиқ танқидга учраб Академия Президенти лавозимидан истеъфо беришга мажбур бўлди.

Уни президентлик лавозимидан кетганидан кейин ҳам тинч қўймадилар. Академия Президиуми мажлисларида, бошқа йиғилишларда нималар билан айбламади, дейсиз.

Турли уйдирма, ёлғон гаплар алломанинг обрўсига ва саломатлигига катта путур етказди. Амалда соғлом, ҳамма вақт хушчақчақ Обид ака оғир касалликка учради ва оқибатда дунёдан кўз юмди.

Қарангки, худди шу даврда устоз Менделеев олтин медали билан мукофотланди. Лекин айрим «раҳбар» шахсларнинг тазйиқи сабабли Менделеев олтин медалини олган буюк олимнинг номи айтилмади, ўз халқидан бу хушхабар яширилди. Шу йили яна бир муҳим воқеа юз берди. Обид Содиқов химия фанини ривожлантиришда катта ҳисса қўшганлиги учун жаҳон химиклар жамиятига фахрий аъзо бўлиб сайланди. Бу воқеа ҳам халққа маълум қилинмади.

У киши нафақат химикларга, қолаверса фаннинг кўп соҳасидаги шахсларга, уларнинг илмий ишларида ташкилий, моддий ва бошқа жиҳатдан катта ёрдам берган. Афсуски, бу шахсларнинг айримлари Обид Содиқов қўшган ҳиссаларини, кўрсатган ёрдамларини унутдилар.

Ҳақиқат барибир юзага чиқар экан. Мустақиллик даврида унинг номи яна ғурур билан айтиладиган бўлди. Президентимиз И. Каримов ўз нутқларидан бирида Обид Содиқов хизматларига катта баҳо берди. Эндиликда унинг номи Институтга, кафедрага берилган, Тошкент шаҳридаги 249-ўрта мактаб ва шаҳарнинг бир кўчаси Содиқов номи билан аталади. ТошДУ талабаларига Обид Содиқов стипендияси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Обид Содиқов номидаги юксак мукофоти таъсис этилди.

1988 йил 15 ноябрь куни жаҳон фанига катта ҳисса қўшган ўзбек олимига ёдгорлик қўйиш муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишда қатнашиш учун Академик А. Д. Кунцевич келган эди. Меҳмон ўз нутқида Обид Содиқов нафақат ўзбек халқига мансуб олим, балки унинг фанга қўшган ҳиссаси жаҳон халқлари томонидан тилга олинади, деди. Кунцевич жаҳонга номи танилган академиклар М. М. Шемякин, Н. Н. Семенов, Ю. А. Овчинниковлар билан бир қаторда ўзбек олими фанда янги йўналиш кашф этганини таъкидлади. Бу сўзларни эшитиб ниҳоятда мағрурландик. Улуғ инсон сиймоси яна бир бор ҳаммамизнинг кўз олдимиздан ўтди.

Бу йил ўзбек халқининг содиқ фарзанди Обид Содиқовнинг 80 йиллик таваллуди бўлади. У қолдирган бебаҳо мерос кенг ва чуқур ўрганилади. Уни таниган-билганлар, бирга ишлаганлар ва айниқса, кимё фани намоёндалари ўз хотиралари билан ўртоқлашишларига шубҳам йўқ. Аллома ниҳоятда виждонли, пок ва камтар инсон эди. Республика фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган олим ўзгага қилган яхшиликларини бирон марта ҳам эламасди, ўзи биронта бир кишини ўзи йўқлигида нуқсонлари ҳақида гапирмасди. Яна бир фазилати юксак даражада маданиятлилиги эди. Шу боисдан бўлса керак, у кишидан ҳамма вақт самимий кулги, жилва аримаган.

Шундай буюк инсон билан кўп вақтлар бирга ишлашиб, у кишининг самимий маслаҳатларини олишга муяссар бўлганимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сари!

ҚОНУН НОМИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ОЛИЙ СУДИ, РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАХСУС САҲИФАСИ

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир*

НЕЧУН БУНДАЙ РАЗОЛАТ?

Республикамиз меҳнат аҳли, ҳур диёримиз кексаю-ёши истиқлолимиз йўлида фидокорона меҳнат қилиб, ўқиб, янгилик яратиб, бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган бир пайтда айрим тўқликка шўхлик қилаётган кимсаларнинг қилмишидан ёқа ушлайди, киши. Қуйида қонга ботган қўллари билан одамлар, таниш-лари, ўз яқинлари ва ҳатто қон-қариндошлари умрига зомин бўлганларнинг даҳшатли қилмишлари ҳақида айрим мисолларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Урганч тумани К. Маркс номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи О. Машарипов антиқа мезбон чиқиб қолди. У ўзи ичиб юрганн етмагандек, таниши С. Нурматовни ҳам қаторига тортди. Уйига таклиф этиб, тонготаргача меҳмон қилди. Меҳмондорчилик нихоясида у меҳмонни «снйлаб» кўксига пичоқ урди. С. Нурматов ҳаётдан эрта кўз юмди. Мазкур ҳодиса юзасидан туман прокуратураси жиноят иши қўзғатди ва қотил О. Машариповни ҳибсга олди.

Шу йилнинг 27 октябрида Урганч шаҳар ҳуқуқ посбонларига Навоий вилояти Навбаҳор туманининг Туркистон қишлоғида яшовчи фуқаро Ўткир Муҳаммадалиев мурожаат қилиб, Урганч шаҳар, Ломоносов кўчасидаги 18-уйда истиқомат қилиб келган синглиси, икки ёш гўдакнинг онаси Д. Муҳаммадалиева ва унинг қайнонаси пенсионер Ш. Бойжонова дом-дараксиз йўқолиб қолганлигини маълум қилди. Хабардан воқиф бўлган ҳуқуқ посбонлари уйни обдон кўздан кечира бошлашди. Ҳаммом ости текширилаётганда у ердан икки жасад чиқди. Жиноятни содир этганликда гумон қилинган Муҳаммадалиеванинг турмуш ўртоғи М. Бекжонов ва шу уйда вақтинча яшаб келган Қорақалпоғистон Республикасининг Фузайли шаҳридан келган меҳмон Р. Йўлдошев қамоққа олинди. Шубҳалар асосли бўлиб чиқди. Ҳозирда жиноятни содир этиш сабаблари шаҳар прокуратураси томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Фарғона вилоятининг Данғара тумани Каттаравон қишлоғида истиқомат қилувчи Файзиматовлар онласида акаукалар — Фозил, Фахриддин ва Шарифжонлар ўртасида жанжал чиқиб қолди. Укалар ўз акаси Шарифжонни роса дўппослашиб ўлдиришди. Бу ўсмирларнинг ота-оналари эл-юрт орасида обрў-эътиборли кишилар эди. Минг афсуски, ноқобил икки фарзанд ота-онаси юзини ерга қаратди.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Қорақамиш 1/2 даҳасидаги 6-уйнинг 34-хонадонида яшовчи 1939 йилда туғилган Анна Абрамова ўз уйида қўшниси 1955 йилда туғилган Владимир Ражин билан ўзаро жанжаллашиб, уни 4-қаватдан итариб юборган. Бундай баландликдан умрида сакраб ўрганмаган Ражин ерга тушибоқ жон таслим қилди.

Шу ҳодиса юзасидан Собир Раҳимов тумани прокуратураси жиноят иши қўзғатиб, Ражинни Абрамова нега 4-қаватдан улоқтириб юборганлиги сабабларини ўрганмоқда.

Спиртли ичимликларнинг нархи осмонда бўлишига қарамай, унинг бозори чаққон. Айниқса, арақхўрлар тўйиб олгач, қонхўрликка ўтишмоқда. Тошкент шаҳар Юнусобод туманининг 17-даҳаси, 3-уй, 73-хонадонида яшаб келган ногирон нафақахўр Рем Фердманни ўз улфати Владимир Куприянов пичоқ уриб ўлдирган. Ҳодиса рўй берган жойдан жуфтакни ростлаб қолган Владимир зудлик билан қўлга олинди.

Ҳозирда ушбу иш юзасидан туман прокуратураси томонидан тергов ишлари бошлаб юборилди.

Муҳтарам газетхон!

Юз берган воқеалар билан танишиб, қалбингиз ўртандими? Ҳозир қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда баъзи бир шахслар бу қадар жоҳил, бу қадар қотил, бу қадар берахмликка юз тутишмоқда? Сиз бу ҳақда нима дейсиз?

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ЮЛҒИЧЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Қашқадарё ички ишлар бошқармаси матбуот марказидан хабар қилишларича, вилоят савдо тармоқларида харидор ҳақидан уриб қолиш, ноёб молларни яшириб қўйиш ҳоллари камаймаяпти. Масалан, Китоб тумани матлубот жамиятига қарашли 127-дўкон сотувчиси Мансур Муҳаммадиев харидор Б. Бобоқуловга 57 метр газмол ва 9 кило 300 грамм конфет сотиб, 17 минг 250 сўмга «адашиб»ди. Дўкон кўздан кечирилганда, савдога чиқарилмаган 91 минг 400 сўмлик камёб мол топилди. Омборхонада эса 2 миллион 420 минг сўмлик маҳсулот яшириб қўйилгани аниқланди.

Қарши туманининг «Аврора» посёлкасида жойлашган Бешкент матлубот жамиятига қарашли 46-аралаш моллар дўкони мудири Фахриддин Ҳамроев бир дона Хива гиламини 150 минг сўмга пуллаб, харидор ҳақидан 48 минг 902 сўм олиб қолган.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари бундай юлғичларга нисбатан қаттиқ чора-тадбирлар кўрмоқда.

(ЎзА).

1988 йил 16 июнь эрта саҳарда Тошкент туманидаги Юнусобод қишлоғи ҳудудида жойлашган ДАН постида мудҳиш воқеа содир бўлди. Қуролланган жиноятчилар билан бўлган тенгсиз олишувда Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати ходимлари милиция старшиналари озарбайжон ўғлони Мусо Гашимов, Олимжон Асқаровлар мардларча ҳалок бўлдилар.

Тенгсиз олишувда милиция катта лейтенанти, Давлат автомобиль қидирув бўлими инспектори Маткарим Матжонов ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Юртимиз осойишталиги йўлида жон фидо қилган бу уч қаҳрамон хотираси абадийлаштирилиб, ДАН постига «Уч қаҳрамон» номи берилиб, ёдгорлик ўрнатилди.

Яқинда ёдгорлик очилиши муносабати билан хотира маросими ўтказилди.

Суратда: маросимдан лавҳа. А. Зуфаров (ЎзА) сурати.



• *Милиция ҳаётидан*

АЖАЛ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Шу йил 22 июнь куни кечқурун соат 21.30 да ички ишлар тезкорлик навбатчиси, милиция катта лейтенанти Ўктамжон Қўқонбоев катта участка инспектори, милиция капитани Раҳмонжон ака Назиров га шошилинч қўнғироқ қилди.

— Сизга навбатчи машина юбораяпман. Бешэчки қишлоғидаги Турсуной Маҳкамова уйига зудлик билан боринг. Укаси маст ҳолда тўпалон қилаётган экан.

Раҳмонжон ака шошилиб кўчага чиқди. Зум ўтмай машина ҳам етиб келди. Рулда милиция ходими Соҳибжон Раҳимов, унинг ёнида вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори, милиция старшинаси Шуҳратбек Саримсоқов ўтирарди.

— Қўқондан яна Наби келганга ўхшайди, — деди Раҳимжон ака, — орқа ўриндиқдан жой оларкан. У икки марта судланган. Ғоят хавфли, маккор йигит, эҳтиёт бўлиш керак...

Кўп ўтмай, машина икки табақали кўча эшиги рўпарасида тўхтади. Уларни ранги қув ўчган Турсуной опа қарши олди.

Ҳовлининг этагида қўйлагининг тугмалари ечилган Наби девдек ўкириб юрарди. Кайфдан қизариб, қонталаш бўлган кўзлари милиция ходимларига тушгач, уларга «ҳа, сенларга кўзим учиб турувдн» деб сўкиниб уй ичига отилиб кирди. Биринчи бўлиб Раҳмонжон ака, кейин қолганлар унинг кетидан ичкарига кирмоқчи бўлишди. Бироқ кўпни кўрган Раҳмонжон ака шерикларини ташқарида қолдириб, ўзи Набини инсофга чақирмоқчи бўлди. Бироқ у ёнидаги пичоғини яланғочлаб милиция капитанига ташланди. Раҳмонжон ака чап бериб, ваҳшийнинг ранн қўллашдан бошқа илож қолмагач, тўппонча тепкисини босди. Иккинчи марта узилган ўқ қонхўрнинг чап оёғини яралади. Шунда ҳам қабиҳ ниятидан қайтмаган Наби пичоқни ташламади. Милиция ходимлари усталик билан унинг қўлидан қонга бўялган пичоқни тортиб олишди. Атрофдаги томошаталаб қўни-қўшнилар қўрқа-писа яқинлашдилар.

Ўзи бир ҳолатда ётган Раҳмонжон ака Набининг ҳаётини сақлаб қолиш учун «Тез ёрдам» чақиришни буюрди. Машина келгунча капитаннинг қонга бўялган кўйлагини ечиб билагидан маҳкам бойлаб қўйишди. Қон сал тўхтагандек бўлди...

Ўзгалар тинчлигини деб ҳаётини хавф остига қўйган милиция ходими ҳам, қонсираган ваҳший ҳам зудлик билан шифохонага ётқизилди. Аммо унинг куни битган экан. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетди.

Раҳмонжон ака эса узоқ муддат даволаниб, сафга қайтди. Ўша машъум воқеа ҳақида гап кетгудек бўлса, «Бир неча бегуноҳ кишиларнинг, қолаверса, ўзимнинг ҳаётимни сақлаб қолиш учун ноилож охирги чорани қўлладим», деб жавоб беради у.

Раҳмонали ҚОСИМОВ, Фурқат тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция катта лейтенанти.

• *Тақдир сўқмоқлари*

ТУҲМАТ БАЛОСИ

Туҳматга даво йўқ, — деб топиб айтган доно халқимиз. Ўзбекистон аҳлининг ажойиб ўғлонлари «ўзбек иши», «пахта иши» деб аталмиш тўфоннинг қурбонлари бўлиб, ҳали, ҳануз дардларига даво излашмоқда. Ўша кезлари «икки энлик хат» бўлса бас, сохта гувоҳлар ҳам, айблаш учун далиллар ҳам топиларди. Муҳими, қўлга туширишга асос бор. Мақоламиз қаҳрамони ҳам ана шундай, давосиз туҳмат қурбонларидан бири...

...Ўша куни уч киши уйга бостириб киришди. Уй эгаси эндигина нонушта қилиб, ишга отланаётган эди. Луқма оғзида қолди. «Биз Тошкент шаҳар БХССидан-миз, — деди улардан бири ғурур билан. — Уйингизни тинтув қиламиз. Сиз бундан икки йил муқаддам Орзигул Именова деган аёлдан 2000 сўм пора олгансиз...

Улар ҳеч нарса тополмагач, уй эгасини шаҳар ички ишлар бошқармасига олиб кетишди. Хотини ва уч боласи уввос солганича йиғлаб қолаверди.

— Бу менга туҳмат, — деди у йўлда...

— Овозингни ўчир. Сен ёғли жойда ишлайсану пора олмайсанми? — деди улардан бири.

— Ўзингни оқлашга уринмай, келишиш йўлини ахтарсангчи! Бизга фарқи йўқ, иккита гувоҳ билан қамаб юбораверамиз, жонингдан умидинг бўлса, ҳаракатингни қил, — деди иккинчиси.

Ўша куни, яъни 1986 йил 24 май куни эрталаб соат 8.00 дан кеч 19.00 гача ундан пул ундириш учун ҳибсда дўқ-пўписа билан олиб ўтиришди.

— Мени гувоҳлар билан юзлаштиришингизни талаб қиламан, —деди у.

Бир неча соатдан сўнг гувоҳ О. Именовани олиб келишди.

Орзигул уни кўргач, дод солиб йиғлаб юборди.

— Мени кечиринг, — деди у кўз ёшларини артиб. — Менга дўқ-пўписа қилиб, Сизга қарши ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилишди...

Именовани кетар чоғида огоҳлантиришди: «Агар олдинги кўрсатмангни салгина бўлса ҳам ўзгартирсанг, ёлғон кўрсатма берганинг учун сени ҳам қамаймиз...»

О. Именова йиғлаганча хонадан чиқиб кетди. Уни эса ИИБнинг ертўласига ташлашди. Бу ерда уни олдиндан тайёрланган икки ашаддий барзанги-жиноятчи кутиб олди. Жиноятчилар уни оғир қийноққа солишиб, охири «Именованинг 2 минг сўм пора олганман» деб тилхат ёздириб олишди.

Шундан сўнг «қонун посбонлари» шаҳар прокуратурасидан уни ҳибсга олиш учун рухсат олишди ва яна уни ертўлага ташлашди, эртасига иккинчи тайёрланган гувоҳ И. С. Малиновская билан юзлаштиришди. Бундан ҳам 2 минг сўм олгансан деб, бу туҳматни ҳам унинг бўйнига қўйишди. (Афсуски, ҳозир И. Малиновская 2 хонали кооператив уйини мўмай пулга сотиб, Россияга жуфтакни ростлаб қолган экан). Тил топиша олмаган «десантчилар» ўз ниятларини амалга ошириш учун учинчи гувоҳни топишди. Кооператив уйга ҳеч қандай алоқаси йўқ 80 ёшли «М. Е. Слепакуревадан ҳам 100 сўм олганман» деб жабрланувчини тилхат ёзишга яна бир бор мажбур этдилар. Сўнг уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 152-моддаси 2-банди билан айблаб, «Тоштурма»нинг махсус ертўласига ташлашди. Бу ерда ҳам у терговчи билан 4 ой «олишди». Охири, қийноқларга дош беролмай мажбуран «айбномага» қўл қўйди. У бир нарсага ишонарди. Чунки олдинда суд турибди. Ҳали ҳаммаси тугагани йўқ. Одил суд оқни оққа, қорани қорага ажратади, деб ўйлаб, судни орзиқиб кутарди...

Афсуски, ўша пайтларда собиқ «марказ»дан Ўзбекистонга «десантчилар» ташланган, маҳаллий кадрларга уларнинг тазйиқи кучли эди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши», «Рашидовчилар» тамғаси билан қанчадан-қанча софдил кишилар бадном бўлаётган дамлар эди. Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнганидек, қисқа муддатда қамоқхоналар бегуноҳ кишилар билан тўлиб кетди. Улардан бири биз ҳикоя қилаётган асли касби қурувчи, Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг кооператив уй-жойлар қурилиши раиси Муҳаммаджон Турсунов эди. У ҳам қуруқ туҳматнинг қурбони бўлди. Ишонган одил суд унинг сўнгги умидини ҳам пучга чиқарди. Тошкент шаҳар суди «тўпланган далил»ларга асосан иш кўрди. Гувоҳлик берганлар билан ишдаги «далил»лар жиддий тахлил этилмади чоғи, «айбдор»ни нақд етти йилга озодликдан маҳрум этди...

Ўша ола-тасир йиллари яхши одамни ёмонотлиққа чиқариш, тўғри, ҳалол одамни қамаш ҳеч гап бўлмай қолган эди.

Ҳолбуки, қамоқхоналарга тасодифан тушган, ҳаётнинг турли найрангларини енга олмаган, туҳмат гирдобига тушиб қолган, қасддан суиқасд уюштиришнинг қурбони бўлган кишилар талайгина эди. М. Турсунов ҳам шундай найранг билан юзма-юз турарди...

«Мен ҳақиқатни юзага чиқараман деб етти йил курашдим, — деб ёзади М. Турсунов ўз хатида. — Ўша пайтда судга, прокуратурага бир неча марта ариза ва шикоятлар ёздим. Рафиқам Д. Турсунованинг ҳам бормаган жойи қолмади. Аммо улардан бир хил қолипли, юзаки жавоблар олдик. Ёзган аризаларимиз қониқарсиз қолди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверди...»

Биз М. Турсуновга мажбуран гувоҳлик берган кишилар ва у билан ишлаган, уни билган одамлар билан учрашдик. Барча хизматчилар билан танишдик. Ким билан гаплашмайлик уни ҳалол, диёнатли инсон деб таърифлашди. Демак, диёнатли одам ўз нафсига қул бўлмайди, ўз виждонини ҳеч қачон сотмайди.

«Сохта гувоҳлар» ҳам қалбаки гувоҳлик берганликларини, бир одамнинг жонига озор етказганликларини тан олишди. Тўғри, уларни ҳам тушунмоқ зарур. Чунки замон зўрники эди-да. Энди-чи! Бутунлай бошқа, юртбошимиз бошчилигида демократик ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз.

— Мен икки хонали кооператив уйни навбатга туриб қонуний олганман, — дейди собиқ гувоҳ Орзигу Именова. — Лекин М. Турсуновга ҳеч қандай пора бермаганман. Ўша терговчи мени ҳар куни чақираверіб, обдон жони-ҳолимга қўймагач, охири мажбуран «пул берганман» деб хат ёзиб бердим. Ҳатто бир кун ҳибсда ушлаб туришди. Уйда эса икки ёшли қизим ёлғиз қолган эди. Ундан хавотир олиб, терговчи таъкидлаб турганидек ёздим. Лекин ҳали-ҳалигача бу ноҳақликдан виждон азобидаман...

Иккинчи гувоҳ—80 ёшли Мария Слепакурова ҳам ўша кунларни кўз ёши билан эслайди:

— Мен шу ёшга кириб ҳеч кимга пора берган инсон эмасман. Мени Тошкент шаҳар прокуратураси терговчиси ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилди. Ноилож ёзиб бердим. Квартирани эса келиним олган. Мени бу ишга ҳеч қандай даҳлим йўқ эди. Ҳатто уй-жой қурилиш кооперативи қаерда жойлашганини ҳам билмас эдим... Мени мажбур қилдилар...

Адолат эгилиши, букилиши мумкин ва лекин ҳеч қачон синмайди. Мана М. Турсунов ҳам етти йилдан буён ана шу адолатни излайди...

Бир пайтлар «марказ»нинг тазйиқи билан иш тутиб, дўппи деса, каллани олиб келган айрим нопок ҳуқуқ-тартибот ходимларининг хатосини бугунги мустақил давлатимиз ҳуқуқ ҳимоячилари тузатишмоқда.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

• *«Вокзал-93» тадбири*

МЕҲМОН ОТАНГДАН УЛУҒ, АММО...

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Республика Вазирлар Маҳкамасининг ички бозорни ҳимоя қилишга оид қарорларини бажариш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Транспорт ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган «Вокзал—93» тадбири ҳам шулар жумласидандир. Ундан кўзда тутилган мақсад — йўловчиларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлигини таъминлаш, шу билан бирга гиёҳванд ва жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, бошқа республикаларда тобора муомаладан қолаётган пул оқимини республикамиз ҳудудига кириб келишининг олдини олишдан иборат эди.

Биргина шу тадбир туфайли республикамиздан ташқарига қонунсиз моддий товар бойликлари олиб чиқиб кетишнинг 197 ҳолати аниқланди. Милиция ходимлари 62 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат ҳамда бошқа ҳил маҳсулотларни республикада олиб қолишга эришдила 1961—1992 йиллар намунасидаги 276 миллион сўмлик пул республикамиз ҳудудига кириб келишининг олди олинди. Бу ишларни амалга оширишда мамлакатимиз дарвозаси бўлмиш вокзал ва аэропортларда хизмат қилаётган соҳа ходимлари ҳам ички ишлар бўлимларига яқиндан кўмак беришаётир.

Халқимизда меҳмон отангдан улуғ, деган нақл бор. Аммо, ҳамма меҳмон ҳам яхши ният билан келавермас экан. Чунончи, Маридан учиб келаётган самолёт йўловчиси 34 ёшли туркманистонлик фуқаро Ҳафиз Эминовнинг ёнидан 1961—1992 йиллар намунасидаги 14 миллион сўм пул олинди. Айнан шу самолёт йўловчиси Туркманистон Республикасининг Байрамали шаҳридаги нефть маҳсулотлари омборида ишловчи Леви Завлановнинг ёнидан эса 10 миллион 700 минг сўм пул чиқди. Қўлга тушган бу икки шахс аввалига фирибгарлик йўлига ўтди. Улар милиция ходимларига ана шу пулларнинг тенг ярмини пора сифатида бериб қутулмоқчи бўлишди. Минг афсуски, бу меҳмонлар республикамиз милиция ходимларининг аксарияти сотилмайдиган, ўз вазифасига содиқ йигитлар эканлигини билишмаган чоғи.

Нукус — Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поезд йўловчиси Туркманистон Республикасининг фуқароси Амангелдиев ҳам 11 миллион 800 минг сўм пулни бизнинг ҳудудга олиб келаётганида тўхтатилди.

Транспорт ички ишлар бошқармасининг Тошкент бўлими ходимлари аэропорт хизматчилари билан ҳамкорликда Тошкентдан Нукус орқали Минерал сувлар шаҳрига учувчи самолёт йўловчиси, аслида Тошкент—Термиз йўналишида учувчи самолёт экипажининг командири ёнидан 5 килограмму 700 грамм ўта кучли таъсир кўрсатувчи гиёҳванд модда — опиум олинди. Ҳар грамми бир неча ўн минг сўм турадиган бу модданинг умумий нархи салкам 60 миллион сўмни ташкил этади. Бундай жиноий йўлга кириб қолган экипаж командири ўз шаънигагина эмас, балки ўнлаб соф виждонли учувчилар шаънига ҳам доғ туширди.


Ички ишлар идоралари томонидан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқдаки, бунинг натижасида қанчадан-қанча халқимиз ризқини қияётган кимсалар, фақат ўз чўнтагини кўзловчи нопок кишилар ушланмоқда ва жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Эндиликда уларнинг ҳар бири қонун олдида ўз қилмишига яраша жавоб беришади. Яна шу нарса аниқки, ўз Ватанини, ўз халқини севган ҳар бир фуқаро жиноятчиликка қарши кураш, жамиятимиздан жиноят илдизини бутунлай суғуриб ташлашда милиция ходимларига янада фаол кўмаклашсалар айни муддао бўлур эди.

Абдулла СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДИҚҚАТ! «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА...



Душанба, 15. XI

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Мусиқа оҳанглари». Телефильм.
18.25 «Тараққиёт замини». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
20.00 «Саҳродаги қўриқхона». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. «Мерос». «Бобурийлар шажараси».
21.30 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Бузулук ўрмони». Телефильм.
19.30 «Лаҳза». Хабарлар.
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Лаҳза». Хабарлар.
21.00 «Ассалому алайкум».

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан душанба, 15 ноябрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб намойиш этилади.

● «ОРБИТА IV»

15.00 Янгиликлар.
15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Телемикст».
16.10 «Мусиқий башорат». Кўп серияли телефильм премьераси.
16.40 «Истеъдодлар ва мухлислар».
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.35 «Шеърий альбом». Г. Шергова.
18.55 «Гол».
19.25 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.40 «Ҳафтанинг акс садоси».
20.10 «Қандай қилиб бой бўлиш мумкин!». Телевикторина.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 23-серия.
21.55 «Спорт уик-энди».
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Эркак ва аёл».
22.55 «АТВ-брокер».
23.00 «Джем-сешн».
00.45 «Бомонд».
01.15 «Мен».
Танаффус пайтида — (24.00) Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Россияда бизнес».
9.30 Мульти-пульти.
9.45 «Осойишталик № 9».
10.45 А. Шнитке асарлари янграйди.
11.15 Хонаки экран. «Беш оқшом». Бадиий фильм.
12.45 «Ўз-ўзига режиссёр».
13.15 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Бозор томон йўл».
14.20 Киноқиссалар. «Сукунат». Бадиий фильм. 1-серия.
16.00 «М-трест».
16.15 Болалар учун янгиликлар.
16.30 «Бола тилидан».
17.00 «Қутқариш хизмати 911».
*
18.00—19.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.45 Душанба куни детектив. «Ланн страйк» таништиради. «Сенат тергови». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
20.40 «Бахтли тушлар таъбири».
21.10 «Мусиқа йирик планда».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Ҳақиқат онлари».
23.30 Катталар учун мультфильм.
23.35 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
00.10 Тунги сеанс. «Ҳукмсиз уч кун». Бадиий фильм (Польша).

Сешанба, 16. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Янграсин шўх ялалар».
7.50 «Бўрсиқ учун уй». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.
10.20 «Тошкентда куз». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Натурал сонларни кўпайтириш.
11.00 Эртаклар яхшиликка етаклар. «Шаҳзода ва малика».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Гурунг».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.45 «Эргаш Ҳамроев ҳақида қисса». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Дунё воқеалари.
19.35 «Илҳом дақиқалари». Карим Баҳриев.
20.00 «Бўзсув жилолалари». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 Қорақалпоғистонда Тошкент маданияти кунлари олдидан. «Орол оҳанглари».
21.50 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 2-қисм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.10 Фан ҳақида суҳбатлар.
20.40 «Севги уйлари». Телефильм.
21.10 «Билим сарчашмалари».
«ОМАД» таништиради
21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кидди-Видди».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 Мультфильм.
10.50 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 23-серия.
11.20 «Инсон ва қонун».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Австралия). 1 ва 2-сериялар.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Конверсия ва бозор».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Иш».
16.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Мелиховадан мактублар». Телефильм.
17.10 «Янги номлар».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «АвтоВАЗ кафолат беради».
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 1-қисм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 2-қисм.
22.15 «Мавзу».
23.10 «Матбуот-экспресс».
23.20 Жаҳон шаҳарларининг тунги ҳаёти. Амстердам.
24.00 Янгиликлар.
00.45 «Экстро НУЖ».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Ҳақиқат онлари».
* * *
12.00 Мульти-пульти.
12.10 Хонаки экран. «Оркестр билан катта кўча бўйлаб». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 Киноқиссалар. «Сукунат». Бадиий фильм. 2-серия.
15.50 «Телегазета».
16.00 Россия телевизион театри.
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.45 «Рост» студияси. «Кимнинг томони?».
17.10 «Трансросэфир».
17.45 «Мен қаҳрамонлик кўрсатмадим. Мен яшадим». Ольга Берггольц.
18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 243-серия.
21.10 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».
21.35 «Кузги сайловолди марафони».
21.45 Катталар учун мультфильм.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.35 «Буржлар туркумидан».
23.00 «Маърифат мевалари».
23.45 Санкт-Петербург балети. Ю. Михалина рақсга тушади.

Чоршанба, 17. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Қалбим наволари».
7.50 «Юлдузлар ҳақида эртак». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 2-қисм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика.
12.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги Фаттоевлар оилавий ансамблининг концерти.
18.40 «Ҳамкорлик самараси».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Хива». Телефильм.
19.35 «Санъат оламида».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Мусиқий кўрсатув.
21.35 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 3-қисм.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Иқтисодчилар мактаби».
20.00 «Спринт».
20.25 «Кинотриада».
21.35 «02» тўлқинида.
21.55 «Евдокия». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 23.40— Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар ахборот кўрсатуви.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Савдо кўприги».
11.00 А. Глазунов. «Денгиз». Поэма-фантазия.
11.20 «Джэм».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.10 «Осмони фалакда». Кўрсатувни В. Балашов олиб боради.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 Композитор Е. Дога.
17.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.20 «700-клуби».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда— Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Мулкдор алифбоси».
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.00 «Севги тарихи».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Останкино» хит-паради».
22.30 Шахмат параллеллари. Жаҳон чемпионлиги учун шахмат бўйича матч якунлари.
23.00 Янгиликлар.
23.45 «Матбуот-экспресс».
24.00 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Греция — Россия терма командалари. Грециядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».
9.25 Тонгги концерт.
9.40 «Буржлар туркумидан».
10.10 «Мусиқий залп». Халқаро фестиваль.
11.05 «Мусиқий коллекция». Н. Сторожев.
11.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 243-серия.
12.40 «Параллеллар».
12.55 «Сафсаталар».
13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.45 Киноафсоналар. «Шамолларга учган умр». Ҳужжатли фильм. 1- ва 2-қисмлар.
16.15 «Телегазета».
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси. «Такой возраст». Ёшлар тележурнали.
17.10 Мульти-пульти.
17.25 «Рус ижозатномаси».
*
18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 244-серия.
21.00 «Сизнинг ҳуқуқингиз».
21.15 «Рус қобусномаси».
21.45 «Бизнес: янги номлар».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Кузги сайловолди марафони».
22.45 «60 дақиқа». Си-Би-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви.
23.45 «/-клуб».
00.25 Криминал хабарлар экрани.
00.35 «Винил чангалзорларида».

Пайшанба 18, XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Лирик концерт.
7.50 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.20 «Бухоро қоракўли». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 3-қисм.
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.45 «Дон—ризқ-рўзимиз». Қорақалпоғистондан кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Садо».
18.40 «Кашф этилаётган имкониятлар».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Сиҳат-саломатлик».
20.00 «Билдирсой». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.45 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 4-қисм.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
20.00 «Одамийлик сабоқлари».
20.20 «Тошкент оқшомлари».
«ОМАД» таништиради
21.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20, 00.40 —Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Греция — Россия терма командалари. 2-тайм.
11.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Омад». М. Танич ҳақида.
17.10 «Джэм».
17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (18.00) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра».
19.55 «Жамоатчилик фикри».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Жамоатчилик фикри» (давоми).
21.40 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
22.40 «Пен-клуб».
23.40 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.45 «MTV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 «Таниш чеҳралар». Мусиқий дам олиш танлови.
9.40 Тонгги концерт.
9.55 «Параллеллар».
10.10 «К-2» таништиради: «Абзац».
11.35 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Россия— Туркия. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.
12.35 «Жаҳон аёллари». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 3-серия.
13.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 244-серия.
13.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.15 «Қутқариш хизмати 911».
15.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Иш устасидан қўрқади».
15.30 «Телегазета».
15.40 «Китоблар оламидаги гаплар».
15.55 «Ҳали англанмаган коинот».
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси. «Арт-зона».
17.10 «Трансросэфир».
*
18.00—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 245-серия.
21.20 «М-трест».
21.35 «Кузги сайловолди марафони».
21.45 Криминал хабарлар экрани.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Катта жанжал».
23.00 «Қисқаси». Мусиқий томоша.
23.45 «Тўлиной».

Жума, 19.XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Эстрада куйлари.
7.50 «Алдаркўса ва бой». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Ал-Хоразмий ватандоши». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 4-қисм.
10.20 «Сулола». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви: Физика. Электромагнит тўлқинлар.
11.00 «Ҳамид Сулаймон». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви: Зоология. Сувда ва қуруқда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи.
12.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Аҳвол қандай, чемпион!». Озода Аҳмедова.
18.30 Рақслар гулдастаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Чорраҳа».
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Учрашув». Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева.
22.10 «Сурнай навоси».
22.40 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг!».
19.50 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «042 қаерда!». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Театр шинавандалари, сизлар учун!
12.20 «Гамлет» мавзуида мулоҳазалар». Д. Шостакович мусиқасига яратилган фильм-балет.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
17.40 «Музограф».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Россия сайловининг акс садоси».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «03 вагони».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.45 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
22.40 «Матбуот-экспресс».
«ВИД» таништиради:
23.00 «Музобоз».
23.45 «Х» кўрсатуви.
00.45 «Политбюро».
01.25 «Авто-шоу».
01.55 «Обоз» майдончаси. Танаффус пайтида (24.00)— Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 «Кечки салон» саҳифаларида.
9.40 «Ўз манзили».
11.10 «Ватаним менинг».
12.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 245-серия.
12.55 Мульти-пульти.
13.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.30 «Трансросэфир».
14.00 Россия телевизион театри.
15.40 Жума кунлари Дисней. «Уликлар кўрфазилик бола». Бадиий фильм. 2-серия.
16.30 Болалар учун янгиликлар.
16.45 Мульти-пульти.
16.55 «Ҳайвонот оламида».
*
18.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса». Бадиий фильм.
21.15 «Кузги сайловолди марафони».
21.25 Рақс марафони. «Бал рақслари».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «К-2» таништиради: «САС».
23.25 «Танаффус». В. Леонтьев куйлайди.
23.40 Тунги сеанс. «Бегоналар бу ерда юрмайди». Бадиий фильм.
00.55 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Россия—Финляндия. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.

Шанба, 20. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Ер ва диёр тароналари.
7.50 «Қувноқ алдоқчи». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Чимён. Йил фасллари». Телефильм.
8.20 Мутахассис маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм.
10.30 «Етти ширин болакай».
10.50 «Ўлмас мерос». Телефильм.
11.10 Хитой тили.
11.40 «Фахрийлар—фахримиз».
12.10 «Бастакор Мардон Насимов. Хор ва халқ чолғу оркестри учун ёзилган асарлар.
12.50 «Аёл қадри».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Хотира». Элбек таваллудининг 90 йиллигига.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Дам олиш концерти.
21.35 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм.
22.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Сўнгги ташриф». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Театр оламида».

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.40 —Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Матбуот-экспресс».
7.05 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.55 «Қадрдон тупроқ». Экологик кўрсатув.
11.15 «Илҳом манбалари».
11.45 «Веди».
12.25 «Смак». А. Макаревич маслаҳатлари.
12.40 «Инсон институти». А. Дерябин иштирок этади.
13.10 «Ихтилоф». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6- ва 7-сериялар.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи—Узун пайпоқ». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия.
15.50 «Пул ва сиёсат».
16.20 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Парашют спорти бўйича жаҳон чемпионати.
17.00 «Қизил квадрат».
17.40 «Ўттиз йил ўтгач. Джон Кеннеди ҳалокатининг сирлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.30 «Ҳайвонот оламида».
19.10 «Оба-на».
19.40 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ақлли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ақлли». Телевизион бадиий фильмнинг давоми.
22.10 «Резонанс» студияси таништиради.
22.30 «М. Магомаев. Дўстлар билан учрашув».
23.45 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.45 Охирги киносеанс. «Декалог-VII». Телевизион бадиий фильм премьераси.
01.40 «Россия-93». Спорт рақслари бўйича халқаро танлов. Нижний Новгороддан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 «730 формуласи».
8.55 «Сиз яратган боғ».
9.25 Ҳужжатли фильм премьераси.
9.55 «Рост» студияси. «Биринчи тайм», «Бизнинг «Аралаш».
10.25 «Изабель». Дам олиш викторинаси.
11.10 Кундузги сеанс. «Мавзу». Бадиий фильм.
*
12.45—16.25
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
12.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.55 «Ўзбекистон — Англия: ҳамкорлик йўллари». 1-кўрсатув.
13.15 «Мозийдан ёғдулар».
13.45 «Дам олиш соатларида».
14.25 «Кўнгил кўприклари».
14.55 «Авлодлар». М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси Катта залидан репортаж.
15.30 «Джаксон хотирасига». Бокс бўйича халқаро турнир ҳақида.
16.15 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25 «Гранд-репортаж».
16.55 Театр сафари. «Глобус» Новосибирск ёшлар театрининг «Чайка» спектаклида.
17.40 Россия Федерацияси Олий суди залидан.
*
18.00—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.30 «Уинстон Черчилль. Чўққига йўл». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 8-серия.
21.30 «Россияни қандай эпақага келтириш мумкин?».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Мутлақо махфий».
23.30 «Ксюша ҳузурида».
24.00 «Динозаврга айланмайлик».
00.15 «Фильм-премьераси».
00.30 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».
01.00 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Хорватия — Россия. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.

Якшанба, 21. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 41—42-сериялар.
10.00 Араб тили.
10.30 «Ёшлик» студияси. «Студентлар саҳнасида».
11.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм.
12.30 «Фаннинг ойдин йўллари».
13.00 Эстрада хонандаси Маъмура Қурбонова куйлайди.
13.30 Болалар учун фильм. «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.30 «Мультипанорама».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.45 «Оламнинг рангин тасвири». Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев.
20.20 Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Якшанба оқшомида».
21.45 Республика театрларининг телевизион фестивали. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилоят театрининг спектакли.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Мультфейерверк».
17.30 «Курьер».
17.40 «Рок ҳақида».
18.10 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.20 Болалар учун. «Совға».
18.45 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
19.00 «Даракчи».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Видео-О».
20.55 «Курьер».
21.05 «Мусиқий йўлка». Мусиқий кўрсатув.
21.35 «Даракчи».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

6.35, 15.15, 19.15, 22.45, 00.15— Кўрсатувлар тартиби.
6.40 Эрталабки гимнастика.
6.50 «Руҳни чиниқтириш».
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Авто-шоу».
9.00 «Марказ».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Спортлото» тиражи.
10.45 «Тонг юлдузи».
11.35 «Полигон».
12.05 «Марафон-15».
12.45 «Пи» белгиси билан.
13.30 «Мен аёлман».
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради
14.00 «Француз пазандалари сизга тавсия этадилар».
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
*
15.00 Янгиликлар.
15.20 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
16.00 «Саёҳатчилар клуби».
16.50 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.55 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.50 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.30 Халқ тароналари.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Нима! Қаерда! Қачон!».
20.05 «Турнахон». Бадиий фильм («Мосфильм», 1968 й.).
21.55 Эълонлар.
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.50 «Матадор».
24.00 Янгиликлар.
Тунги эрмаклар
00.20 «Теледартс».
00.50 «Телбалик». Бадиий фильм (Буюк Британия).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Мульти-пульти.
8.40 «Хайрли тонг!».
9.10 «Калит» кўрсатуви. «Шохона сафар». 6-қисм.
9.40 Ҳужжатли фильм.
10.00 «Рост» студияси. «Соник» — супер-ежик», «Космос сабоқлари».
10.30 «Здоровье».
11.00 «Ати-бати...».
11.30 Кипрас Мажейка. «Кичик Европадан репортажлар».
12.00 «ХХ аср кадрда ва кадр ортида».
*
13.00—17.05
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
13.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.10 «Ўзбекистон — Англия: ҳамкорлик йўллари». 2-кўрсатув.
13.50 «Дунё эшиги».
14.30 «Америка: ўтмишга ва келажакка назар».
15.00 «Шарқ дипломатияси тарихидан».
15.45 Дўстлик тароналари.
16.15 «Безнен мирас» (татар тилида).
16.55 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.05 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».
18.00 Телефильм.
18.20 Си-Би-Эс кинотеатри. «Таъсирида». Бадиий фильм.
*
20.00—22.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Катталар учун мультфильмлар.
22.45 «Овросиё-ТВ» таништиради: «Худолар араваси». Бадиий-ҳужжатли фильм.
00.30 «А» программаси.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Имкониятни бой бермай алоқа бўлимларига шошилинг!

Унинг бир йиллик обуна нархи 20 минг 400 сўм.

Олти ойга 10 минг 200 сўм. Қиммат дейсизми? Арзон эмас, албатта. Аммо, «Арзон беминнат бўлмас, қиммат — беҳикмат», деган мақолни ҳам унутманг.

Эслатма: «Ўзбекистон овози» ҳафтада беш марта чиқади, телекўрсатувлар программаси унда мунтазам бериб борилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

• *Йиллар ва одамлар*

ЖАҲОНГИР ДОМЛА

1878 йил баҳорида Нанай қишлоғига қўш отли извош кириб келди.

— Тўра келди, тўра!

Оқсоқол ва элликбошилар эҳтиром ила извошдан тушган кишиларга таъзим қилишди. Елкаларида олтин погон ва кумуш юлдузлар ярқираган икки офицер ва ёшгина жувон оқсоқолга кулиб қаради.

— Ҳаммаси тайёрми, старшина, — деди офицерлардан бири ўзбекча.

— Худди шундай, жаноби олийлари, — деди оқсоқол, — қани, марҳамат қилсинлар.

Оқсоқол меҳмонларни сийлай бошлади. Улар шарафига сўйилган қўчқордан шўрва, кабоблар тортилди.

— Энди менга рухсат, — деди офицерлардан бири, — хизматчилик. Губернатор ҳузурига боришим зарур.

— Бўлмаса, оқсоқолни чақирай, — деди ҳамроҳи, —ана ўзи ҳам келиб қолди.

— Қани, оқсоқол, ўтиринг-чи. Ўзбеклар одатига кўра ёши улуғ фотиҳа қилади.

— Тўғри, тақсир, — деди оқсоқол ажабланиб, погонида тўртта кумуш юлдуз порлаб турган офицерга, — омин оллоҳу акбар!

Погонида уч юлдузи бор офицерлар извошга ўтириб хайрлашди.

—Қани, оқсоқол, келинг, бирга чой ичамиз, — деди Володя.

— Мария, сен хоналарни кўр.

Оқсоқол ўзбекчани тўппа-тузук гапирадиган ёшгина бу тўрага беихтиёр ҳурмат билан қаради.

— Мен қишлоқда ҳамма қатори яшашга қарор қилдим, — деди у, — рафиқам иккимиз ўзбеклар турмушини ўрганиб, китоб ёзамиз.

— Қуллуқ, қуллуқ, — деди оқсоқол қўлини кўксига қўйиб,—хуш кўрдик, тўрам.

— Унақа деманг, оқсоқол. Келинг, яқиндан танишайлик. Владимир Петрович, рафиқам Мария. Агар аташга қийналсангиз ўзбекчасига Жаҳонгир ва Марям-да.

— Яхши, яхши, — деди ҳайрати ошиб оқсоқол. У рус амалдорлари ўртасида бунақасини сира учратмаган эди. Тез кунда Нанай қишлоғи аҳолиси ўзбекча кийинган эр-хотин Наливкинларга ўрганиб қолишди. Ишлаётган Владимир Петрович гап—зиёфатга ҳам оддий улфат сифатида қўшилиб олди .Мария эса Марям опа бўлиб хотин-қизлар даврасидан ўз жойини топди.

Тўйлардан ҳам, маъракалардан ҳам эр-хотин Наливкинларнинг қолмаслиги қишлоқ аҳлининг эътиборини тортди. Узун қиш кечаларида Жаҳонгир домла уйига ёш-яланглар тўпланиб, унинг ҳикояларини тинглашар, дунё воқеалари, турмуш муаммоларига доир саволлар беришар эди. Петербургда офицер оиласида туғилиб гимназияда таълим олган, ҳарбий билим юртини тугатиб казак қисмларида хизмат қилган Наливкин ҳали ўттизга кирмаган бўлса ҳам кўпни кўрган. Ўрта Осиёни босиб олишда, Хива хонлиги билан урушда (1873), Қўқон хонлигини тугатиш учун бўлган жангларда (1875) офицер сифатида қатнашган Владимир ўзбек болаларига ажойиб алифбе» дарслиги минглаб ўзбек болаларига ажойиб қўлланма бўлиб, узоқ йиллар хизмат қилди.

Жаҳонгир домла руслар ўртасида ўзбек тилини ўргатиш ишига чинакам киришган, ўзбек тилининг оташин тарғиботчиси бўлди. У рус офицерлари учун ўзбек тилини ўргатиш курсини очиб, шахсан ўзи тил адабиётдан дарс берди. Жаҳонгир домла Туркистон ўқитувчилари семинариясида ўзбек тилидан дарс берган биринчи рус муаллими бўлди. Луғат, грамматика ва дарсликлар тузиб, ўзбек тили бўйича ўқув курсига асос солди. Етти йил давомида ўзи бу курсни бошқарди.

Истеъфодаги офицер Владимир Наливкинни мустамлакачи маъмурлар ёқтиришмаган, ўзбек тилини кенг тарғиб қилгани учун рус шовинистлари уни пайини қирқишга кўп уринишган, Аммо Жаҳонгир домланинг илғор рус жамоатчилиги ва ўзбек зиёлилари ўртасидаги ҳурмати беқиёс эди. Шунинг учун ҳам у кўп овоз олиб Давлат думасига Туркистондан депутатликка сайланди. 1917 йил февраль инқилобидан кейин вақтли ҳукумат унинг обрўсидан ўз манфаати учун фойдаланишга урингани бежиз эмас.

Октябрь инқилобидан сўнг эса сиёсатдан буткул четлашди. Синфлар, ғоялар кураши авж олган 1918 йилда ўз жонига қасд қилди. В. П. Наливкин (1852—1918) яратган асарлар ҳанузгача ўз қимматини сақлайди. «Қўқон хонлигининг қисқа тарихи» (1886 йил, Қозон) асари ҳанузгача тарихчилар учун бебаҳо манба хизматини ўтамоқда.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари номзоди.

ҚИШЛОҚ ОҚСОҚОЛИ

Яқинда 80 ёшга тўлган Ўрозали ота Мамараҳимовни қишлоқдошлари оқсоқол сифатида ҳурмат қилишади. Чиндан ҳам Ўразали ота кўпчиликнинг ҳурматига сазовор инсон. У ҳар қандай шароитда ҳам эл-юрт, халқ ғами билан яшади. Чунки унинг ўзи кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган.

У ёшлигида ота-онасидан етим қолганди. Уни амакиси ўз тарбиясига олди. Лекин ўша пайтда амакисининг тенгдошларидан баъзилари унга таъна қилишди. «Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этур, етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон этур» дейишарди. Лекин шунга қарамасдан амакисининг қўлида яхши тарбия топди.

Ўрозали ёшлигиданоқ меҳнатга кўнгил қўйди. 30-йилларнинг бошларида ёшларнинг етакчиси бўлди. Кейинчалик эса жамоа хўжалиги ташкил этилгач, Нариманов номли колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Пахтадан, сабзавотдан мўл ҳосил кўтариб, кўпчилик ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Кейин эса шу жамоа хўжалигига раис қилиб сайланди. Урушдан кейин эса «Пахтаобод» жамоа хўжалигига раҳбарлик қилди. Бундан роппа-роса 30 йил аввал Зомин туманидаги «Ленинобод», «Пахтаобод», Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари бирлаштирилиб, «Зомин- 1» давлат хўжалиги ташкил этилди. Ўрозали бўлим бошқарувчиси сифатида ишлай бошлади. Кейин эса шу совхозга директор муовини қилиб тайинланди.



Ўрозали отанинг ҳаётида кўпгина ҳаяжонли воқеалар рўй берган. У хўжаликка дастлабки қувурлар тортиб келиниб, водопроводлаштирилганда ҳам, қишлоқ йўллари асфальтланганда ҳам, ҳар йили режалар ортиғи билан бажарилганда ҳам ҳаяжонланган. У икки ўғил ва бир қизни замонамизга муносиб кишилар қилиб тарбиялади. Катта ўғли Уралбой ўқитувчи. Кичик ўғли Ўктам эса шу тумандаги Эргаш Ҳолматов номидаги ширкатлар уюшмасида раис.

Айни кунларда Ўрозали ота кексалик гаштини сурмоқда. Лекин шунга қарамай мен пенсионерман, деб қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У бугунги кунда уй юмушлари билан банд. Эл-юрт тўкинлиги учун ҳаракат қилаётгани шундан ҳам маълумки, у ҳовлисида зотли қўчқорлар етиштирмоқда.

— Мен йилига беш —олтита қўчқорни семиртириб, уёқ-буёққа эмас, ўз халқимизга сотаман,— дейди Ўрозали Мамараҳимов. — Агар қишлоқлардаги ҳар бир хонадонда менга ўхшаб қўй, қорамол боқилса, халқимиз дастурхони янада тўкин бўларди.

Тинмаган — тинчимас отахон ўзининг бардамлиги сирларини фақат ҳалол-пок яшашдан, соғлом турмуш тарзидан ҳамда меҳнатдан, деб билади. Айни пайтда у невара, чевараларининг меҳрибон бобоси. Ҳозир отахонинг 21 невараси, 25 чевараси бор.

Суратда: Ўрозали Мамараҳимов чевараси билан.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Нурмамат АЛМУРОДОВ.

• *Пиру бадавлатларимиз*

• *Янги топилма*

ҚУЛОҒИНГИЗ ЭШИТМАСА...

1993 йилнинг июль ойида ёзги таътил муносабати билан уйга — Хоразмга бордим. Бу сафарги боришимда қишлоғимизнинг ҳурматли кексаларидан бири Комил Хўжа бобони зиёрат қилдим. У киши билан қишлоғимиз, умуман Хоразм тарихи тўғрисида ва бошқа қизиқарли мавзуларда гаплашдик. Гапимиз шарқ табобатига бориб тақалди. Комил Хўжа бобо ўзининг отаси Сопой Охуниинг ўғли Корн Хўжанинг катта табиб бўлганлиги ва кўп кишиларни даволаганини айтиб берди. Сўнгра отасидан мерос бўлиб қолган бир китобни кўрсатди. Бу фанда ҳали номаълум бўлган «Манофиъун-нос» [инсонларга фойдалар] номли китоб бўлиб, табобат ҳақида эди.

Асар чиройли настаалиқ хатида, Хоразм шевасида ёзилган. Ҳажми 400 варақ атрофида бўлиб, ҳар варақка 11 қатордан ёзилган ҳамда 60 бобга ажратилган.

Бу қимматбаҳо дурдонанинг муаллифи Нидоийдир. Унинг ўзи ва туғилган йили тўғрисида маълумот йўқ. Лекин у «Китобнинг ёзилиши ҳақида» деган 60-бобида қуйидагиларни ёзади: «Мен оламга вужудга келганда биз тўрт ога-ини эдик ва улар ичида кичиги мен фақир Нидоий банавойи эдим. Нон ва туздан насибам тортиб Қрим тарафга юзландим. Қримнинг ҳокими Гарой хон фазл ва камолимдан огоҳ бўлиб, мени ўзига яқин дўст ва сирдош этди».

Шу ўринда Бегали Қосимовнинг «Исмоилбек Гаспирали» номли китобидан қуйидаги парчани келтирамиз: «...1443 йилда Ҳожи Гарой Қрим хонлигига асос солганида пойтахт ҳозирги Волгоград яқинидаги Беркасаройда эди. XVI асргача шу ерда бўлиб келди. 1501 йилда Менгли Гарой уни мана шу Боқчасаройга кўчирган. У даставвал Янгисарой аталган. Сўнг Гулшансарой, бир оздан кейин Давлатсарой деб аталган. Ниҳоят Боқчасарой бўлиб шуҳрат топди. Менгли Гаройни ўзбеклар яхши билишади. «Холдорхон» деган халқ достони ҳам бор».

Юқорида келтирилган икки парчани биргаликда олиб қарайдиган бўлсак, Нидоий XV асрда яшаб ўтган. У ўз замонасининг ўта билимдон табибларидан бўлган.

Қуйида ушбу «Манофиъун-нос» асаридан икки бобни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЎН ИККИНЧИ БОБ.
ҚУЛОҚДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН ИЛЛАТЛАР МУОЛАЖАЛАРИНИНГ БАЁНИ

Аммо қулоқнинг соғир (кар) бўлмоғи назлдан ва ичига сув кириб йўли боғланганидан бўлар. Ва ё ел кириб қулоқ йўли тутулмоқдан пайдо бўлар. Агар қулоқ эшитмас бўлса, бир бош саримсоқни, бир қўйнинг ўтини тўрт қошиқ сув билан барчасини бир жомга солиб, ичига бир қошиқ сиркани ҳам солиб кўп қайнатгайлар. Токим ул сув қайнаб йўқ бўлиб сирка билан ўтгина қолгай. Ундан сўнгра унн ул жомдан олиб, қолдиғини ташлаб, соф қилиб сақлаб, аралаштириб соғир бўлган қулоққа уч-тўрт қатрани томизиб бир замон ётқайлар. Агар бир неча мартаба бундай амал қилсалар, йигирмаўттиз йилги соғир бўлса ҳам очилгай.

Ва яна агар қулоқ гурилдаб ва чинглаб овоз берса ва ё соғир бўлса, мунинг барчасининг даъфига сирканинг бағоят аълосини бир чойнакка солиб тўлдириб, оғзини хамир билан маҳкам шувоб, чойнакнинг жўмрагини очиқ қўйиб, ўтда қайнатиб, соғир бўлган қулоқни ул чойнакнинг жўмрагидан чиқадиган буғга то ул сирка тугагунча бир неча мартаба тутмоқ керакдур. Икки-уч мартаба шундоқ қилинса албатта қулоқ очилур, бағоят мужаррабдур (яъни кўп тажриба қилинган).

Ва яна агар қулоқда жароҳат бўлиб қон ва йиринг оқса, бағоят етук сирканн ўтга қиздириб чидар ва чидолмас бўлганда қулоғига томизсалар, асло оқмагай.

ҚИРҚИНЧИ БОБ.
ЎТГА ЁНГАН ЖАРОҲАТЛАР МУОЛАЖАЛАРИНИНГ БАЁНИ

Агар бир кишининг бир аъзоси ўтга ёнса букур тикон япроғини қурутиб тугуб, ун каби майда қилиб ёнган жароҳатга сепгайлар ва ҳар кунда қуругунча яна сепсалар фойдалидур. Ва яна агар бир одамнинг бир аъзоси ёнса, ё қайнаб турган сув тўкилиб жароҳат қилса, муолажаси будурким, сийдикни бодом ёғи билан қориштириб устига суртсалар, фойдалидир. Ва яна оқ савсанни гулоб билан пиширнб сирка билан қориштириб жароҳатга сурсалар фойдалидир. Ва яна агар сигирнинг терисини пиширнб иссиғ вақтида ўтга ёнган тери устига ёпсалар ва ё қўйнинг қумалоғини гул ёғи билан ҳил қилиб, ёнган жароҳатга суртсалар фойдалидир.

Шерали АВАЗМЕТОВ тайёрлаган.



Раққоса ҳиром этганда. С. Маҳкамов олган сурат.

«ХАЛҚАРО ОРОЛ ҲАЙРИЯ КУНЛАРИ»

Орол ва Оролбўйини ҳимоя қилиш қўмитаси ва ногиронлар жамияти ташаббуси билан 1994 йилнинг апрель ойида «Халқаро Орол ҳайрия кунлари» ўтказилади. Бу тадбирни ўтказишда бир қанча жамғармалар ва жамиятларнинг ҳам фаол иштирок этиши кўзда тутилган. Улар орасида Ногиронлар, Бердақ жамғармаси, Кўрлар, Карлар, «Маҳалла», «Меҳр-шафқат», «Наврўз», Чернобиль жамғармалари ва жамиятлари бор.

Халқаро Орол ҳайрия кунларини ўтказиш комиссияси тузилди. П. Шермуҳамедов комиссия раиси этиб сайланди.

Халқаро Орол ҳайрия кунларига кўпгина хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар келиши кутилмоқда.

НАҚ ШАРМАНДА БЎЛАРДИ

Архимед Сиракўзи кўчаларидан борар экан, таъби хира, асабий эди. Таниш-билишларнинг саломига ҳам алик олмас, ҳатто уларни пайқамай ўтиб кетаверарди. «Муттаҳам шайтонлар, — деб юборди у «Сиракўзюверлирторг» ишчиларини эслаб, бунақада буюртмачиларни хонавайрон қилиб юборишади-ку! Олампаноҳ Гиерон ўз ғазнасидан олтин бериб, ундан тахт ясашни буюрса-ю, бу муттаҳамлар... Ҳа, улар тахт орасини кумушга тўлдиришган, ҳамёнлари эса олтинга кўмилганга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Олтиндан қуйилиши керак бўлган тахтнинг ҳам расвоси чиқди! Шохнинг жазаваси тутишини кўринг энди, чорасини эса сен қари Архимед топишинг керак. Топганда ҳам тахтни бузмай унинг орасига кумуш қўшилган ёки қўшилмаганлигини исботлаш лозим».

Архимед буюк олим эканлигига қарамай жуфт-ҳалоли билан бўладиган гап-сўзда, уни заифа сифатида иззат-ҳурмат қилиш бобида бироз оқсар эди. Бўлмаса, кўчадан кира солиб, шоҳ ҳузурига зудлик билан чақирилгани, муҳим топшириқ олганидан гап очармиди?!

— Биласанми, хотин, XX асрда бу жумбоқни «уч»дан бошқа чиқмайдиган олтинчи синф боласи ҳам ҳисоб-китоб қила оладиган бўлади. Ўша замонда тирмизак ўқувчиларга унча-мунча ҳисоб чўт бўлмай қолади. Ҳатто солиштирма оғирликни ҳам сув қилиб юборишади. Мен эса ҳали солиштирма оғирлик нима эканлигини ҳам билмайман.

Олимнинг бу гаплари ожизасининг қулоғига кирмади:

— Ўша тахтинг-у Гиеронинг билан ҳаммомга жўнаб қол, — деди у тўнғиллаб.

— Ҳаммомга! — кўзини пириллатиб сўради олим. — Ҳаммомга... Бу-бу, — жонланди у, — билсанг агар, яхши фикр бўлди-ку, топдим, топдим...

Шундай дея, Архимед ҳаммомга жўнади... Ўша куни шаҳар ҳаммомининг буғхонасида ўтирган яланғочлар даврасида жуда катта масала ҳал қилинаётганди. Яъни, мабодо Архимед физикада янги қонуният топиб қолгудай бўлса, шоҳ Гиерон «Сиракўзюверлирторг» ходимларининг бошига не кунларни соларкин?!

Зум ўтмай ходим инқиллаб, олимнинг биқинини уқалашга тушиб кетди. Шундай улуғ зотнинг ташрифидан довдираб қолган ҳаммом директори шахсан ўзи буғхонага кириб, ванна тўлдирилган сувнинг иссиқ-совуқлигини текшириб кўрди. Катта ҳаммомчи эса энг тоза ва катта сочиқни саралаб қўйди.

Ниҳоят, Архимед шўп этиб ваннага тушди. Кейин нима бўлди денг, «Суюқликка тушган жисм...» ва ҳоказо, бу ёғи ҳар қандай мактаб ўқувчисига ҳам аён. У ваннадан шунчалик шитоб-билан отилиб чиқдики, директор олимнинг жазғинаги чиқмадими, деган хаёлда капалаги учиб кетди. Ҳайтовур, сув жуда маромида эди.

Аллома «Эврика» — «Топдим» деб қичқирганча буғхонадан югуриб чиқиб кета бошлади. Яхшиямки, катта ҳаммомчи югурганича қўлидаги сочиқни ирғитиб, унинг елкасига ёпиб қўйди, акс ҳолда олим бутун шаҳар бўйлаб тинмай «тооп-диим» деб бақириб, қип-яланғоч юриб, нақ шарманда бўларди-я!

«КЎЗ»НИНГ «КЎР», «ҲАВО»НИНГ «ДАВО» БЎЛИШИ ҲЕЧ ГАПМАС

Бир куни инглиз олими Ж. Томсоннинг зарур иши чиқиб қолиб, университетга ҳаммадан олдин келади-да, доскага қуйидаги сўзларни ёзиб кетади: «Бугун профессор Томсон синфдагилар билан учрашолмайди». Студентлар ўз домлалари билан ҳазиллашиб қўйиш учун «классес» сўзидаги «к» ҳарфини ўчириб қўядилар. Эртаси куни Томсон синфга кириб, ёзувдаги ўзгаришларни кўради-да, гўё ҳеч нарсани сезмагандай «лассес» бўлиб қолган сўздаги «л» ҳарфини ўчиради ва лекцияни бошлаб юборади.

Гап шундаки, инглиз тилида «классес» — синфдагилар, «лассес» — ўйнашлар, «ассес» — эшаклар деган маънони билдиради.

Ҳақиқатан ҳам бир ҳарфнинг орттирилиши ёки камайтирилиши сўзнинг маъносини ўгартириб юборади.

* * *

Болгар ёзувчилари Дора Лалиева ва Минко Лалиевнинг ҳикоя қилишича, мактаб эшиги ёнида бир бола йиғлаб турган экан, ўтиб кетаётган киши ундан сўрабди:

— Болакай, нега йиғлаяпсан?

— Лаънати бод туфайли, — дебди бола.

— Бечора, ёш бошингдан бодга мубтало бўлибсан-да.

— Бод бўлганим йўқ, диктантда «бод»ни «вод» деб ёзиб қўйибман, — дебди бола.

Шунақа!.. Бир ҳарфнинг ўзгариши билан «кўз»нинг «кўр» бўлиши, «ҳаво»нинг «даво» бўлиши ҳеч гапмас.

ТУРФА ОЛАМ

«ТИРНОҚ ОСТИДАН КИР ҚИДИРМОҚ»

Халқимизда шундай ибора бор. Олимлар тирноқ остидаги микроблар қай даражада тўпланишини ҳисоблаб чиқишган. Бу кирнинг бир граммида оз эмас — 380 миллионтагача микроб бўлар экан.

КУЛМАГАН КУНЛАР — ЙЎҚОЛГАН КУНЛАР

Кулгу дилни мусаффо қилади.

Ханда — ақлнинг, табассум эса юракнинг шодлигидан нишона.

Кулгу — буюк шифокор. Ханда — саломатлик белгиси, кулги — кучнинг туғишган иниси.

Қаттиқ бир кулгу саккизта тухумнинг ўрнини босади.

Табассум — фақат куч белгиси эмас, кучнинг ўзгинаси ҳам.

Бир кулувдим, бир ботмон семирдим.

Кайфи чоғ кишидан ёмон гап чиқмайди.

Шарқнинг буюк мутафаккири Абдураҳмон Жомий кулгунинг турмушдаги аҳамиятини шундай ифодалайди:

Сиқилган кишига кулгу
баҳш этмоқ—
Билгилки бир ботмон
қанддан яхшироқ.

Ўринли кулгу зах жойга тушган бамисоли офтоб нуридир.

Ишингиз олдинга сурилишини истасангиз, табассумли бўлинг.

Заҳарханда кулгу — умр заволи.

Ишқилиб, кулгинг яхшиликка кўринсин-да ёки кулавериб ичагим узилаёзди, деган нақллар бежиз айтилмаган. Жумладан, қадимги Эрон шоҳи Ксеркс ва немис шоири П. Флеминг тўхтовсиз кулгидан ўлим топганлар.

Алишер Навоий айтган эди:

Кулгики ўз ҳаддидан
ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин эрур
кўп яхшироқ.

Демак, кулгининг ҳам меъёрида бўлгани яхши экан.

• *Қизиқ гаплар*

ГУРУНГ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Маълумки, мамлакатимиз шахматчилари ўзларининг халқаро миқёсдаги ютуқлари билан муҳлисларни қувонтириб келишмоқда. Уларнинг навбатдаги ҳаракатлари ҳам зое кетмади.

Швейцариянинг Лоцерн шаҳрида шахмат бўйича жамоалар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ўйинларида ўзбекистонлик дона суриш усталари саккизинчи ўрин билан қаноатландилар. Ваҳоланки, шахмат мутахассислари кучли терма жамоалар қатнашган бу мусобақани жаҳоннинг ўзига хос миқёсдаги чемпионати деб бежиз атамади. Мусобақада сайёранинг барча қитъаларидан ўнта терма жамоа ғолиблик учун курашди. Ўзбекистон терма жамоаси тўққиз турдан 16 очко тўплади. Бу сафар АҚШ шахматчиларига омад кулиб боқди. Улар илк марта жаҳон чемпиони бўлишди. Кумуш медал Украина жамоасига бронза эса Россия шахматчиларига тегди.

ЧАВГОН ЎЙНАТИБ...

Яшил майдонда чавгон ўйнатиб хоккей ўйнаш мамлакатимизда спортнинг оммавийлашган турларидан ҳисобланади. Мухлислар «Андижанка» қизлари довруғини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам чим хоккей мусобақаларини улар диққат билан кузатадилар.

Яқинда Қозоғистон пойтахтида Марказий Осиё чемпионати ўтказилди. Мусобақада олти жамоа иштирок этди. Жумладан, Алматининг «Динамо» ҳамда Қозоғистон олий спорт маҳорати мактаби, Андижоннинг «Звезда» ҳамда олимпиада ўринбосарлари билим юрти, Самарқанднинг «Шердор» ва «Химик» хоккейчилари ўзаро куч синашдилар. Тўрт даврали мусобақада динамочилар биринчиликни қўлга киритишди. Андижоннинг «Звезда» жамоаси иккинчи бўлди. Олий спорт маҳорати мактаби талабаларига учинчи ўрин насиб этди.

• *Спорт*

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ


Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624. Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

●Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
топширилди — 23.00.
Г—635. № 215.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Ш. СУЛТОНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.